جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2026-yil 21-avgust
№ 34 (138)
www.jadid.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кичик ва микро гидроэлектр станциялари тармоғини ривожлантиришнинг навбатдаги чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Самарқанд шаҳрига Жаҳон ҳунармандлар кенгаши томонидан “Бутунжаҳон ҳунармандлар шаҳри” мақоми берилди.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, январь-июнь ойларида Ўзбекистонда ҳаво транспорти орқали 4,5 млн. нафар йўловчи ташилган.

Таэквондо WT бўйича катталар ўртасидаги “8th World Taekwondo President’s Cup – Asia” мусобақасида Жасурбек Жайсунов 80 килограмм вазн тоифасида ғолиб бўлди.

ЕТТИКУНЛИК

“БИЗ – 40 МИЛЛИОНЛИ ХАЛҚМИЗ!”



Минг йиллик тарих далолатига кўра, қадим Туркистон замини эгалари бўлган улус деҳқончилик ва чорвадан ташқари, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш саноати билан ҳам шуҳратли бўлган. Чунончи, XVII асрда хон ва муаррих Абулғозий Баҳодирхон Хуросонга жўнаган карвон ҳамда “ўрусға савдоға” кетган “ўн етти киши” ҳақида хабар беради. 1804 йил “хоразмлик икки юз савдо кишиси кўпгина қимматбаҳо моллар билан катта карвонни тайёрладилар”, деб ёзган.

Архив ҳужжатларидан аён бўладики, Хоразм шаҳарларидан қўшни давлатларга “пахта ва матодан ташқари қўй терилари, узум майизи, гуруч, мешлар, тозаланган тола, ипак” ва бошқа ашёлар олиб борилганки, бу маҳсулотлар бевосита ва билвосита саноат тараққиёти самараси ҳисобланади. Миришкорлик, зироатчилик, кўнчилик, заргарлик, чилангарлик, кулоллик, косиблик ва кўплаб тадбиркорлик амалиёти, маълумки, миллатимизга хос хусусиятдир. Мазкур хислатни мамлакат миқёсида ривожлантиришнинг тарихий асоси ҳамда замонавий имкониятлари мавжуд.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хива шаҳрида тадбиркорлар билан ўтказган VI очиқ мулоқоти мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш тарихида навбатдаги муҳим босқични белгилаб берди. Мамлакат бўйлаб 25 мингга яқин бизнес вакилларини қамраб олган ушбу анжуман ҳисобот ёки мулоқотгина эмас, балки давлат ва хусусий сектор ўртасидаги стратегик иттифоқ мустаҳкамланганининг амалий инъикоси бўлди. Давлатимиз раҳбарининг нутқида эришилган натижалар қаторида яқин келажакдаги стратегик мақсадлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Беш йил олдин тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиш анъанаси йўлга қўйилганидан буён бизнес ривожига тўсиқ бўлган минглаб масалаларга ечим топилди. Мулоқотда айтилганидек, бу даврда тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи 84 та қонун, 861 та фармон ва қарор қабул қилингани, кредит портфели 3 баробар ошиб, 450 триллион сўмга етгани давлат сиёсатининг марказида айнан тадбиркор турганини кўрсатади.

Хўш, нима учун Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорликка ва уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга бунчалик катта аҳамият қаратяпти? Хивадаги мулоқот мазмунидан келиб чиқиб, ушбу саволга таҳлилий жавоб топишимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида энг муҳим геодемографик омилни эслатиб ўтди. “Биз – 40 миллионли халқмиз”. Демак, мазкур рақам ортида жуда катта ижтимоий масъулият бор. Айни пайтда ҳар йили меҳнат бозорига юз минглаб ёшлар кириб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

ВАТАН МАНЗУМАСИ



Ғайрат МАЖИД

ЭЙ, ҚАДИМ ХОРАЗМ!

Мен ҳам ўқиганман Зардушт қиссасин,
Унга эҳтиёжим йўқ бугун, бироқ
Олам, сенга айтсам кўнглим ҳавасин,
Мен Замахшарийга муҳтожман кўпроқ.
Ихтиёр берилса кўнгилга агар,
Ҳою ҳаваслари билмагай ҳудуд.
Ким бўлмоқ истаса нафсга музаффар,
Сиздан сабоқ лозим, Паҳлавон Маҳмуд.
Ҳақ сари юрмоққа айлайман жазм,
Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм.

Ечилгай ҳар қандай жумбоқ, муаммо,
Чиқмасанг виждоннинг амри, измидан.
Эй, сен ҳисобини йўқотган дунё,
Дарс олсанг бўларди Ал-Хоразмийдан.
Инсонни ҳамиша этгай мўътабар,
Тангрининг неъмати – ақлу тафаккур.
Буюк Берунийга тан берур башар,
Авлодлар қалбида ғурур ва шукур.
Такрор-такрор дилга ташлайман разм,
Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм.

Ошуфта қалбимда олиб юрибман,
Азиз боболарнинг азиз руҳини.
Қўлларидан тортиб ололмас душман,
Нажмиддин Кубронинг тутган туғини.
Султон Жалолиддин тортган наърадан
Ҳайратга тушгандир Чингиз лашкари.
Тарихи, ўтса ҳам йиллар орадан,
Онгу шуурлардан кетмагай нари.
Ғолибдир садоқат, шижоат, азм,
Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм.

Юрагим жаранглар торлар торинда,
Рост, Бузрук, Наволар тинглайди Феруз.
Руҳимнинг порлаган бу шароринда,
Қуёшдан насиба бордир шубҳасиз.
Нурсиз идрокларни чулғамиш нурга,
Мунисннинг бир мунис сўзлари – нусрат.
Илкини узатиб Навоий – пирга,
Огоҳ бўл, ҳайқирар Огаҳий ҳазрат,
Сен ҳақда не айтсам, шоҳ сатр – назм,
Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм.

Боқиб Ичон қалъа, Дишон қалъага,
Кўксимга жойладим қадим Хивани.
Билдим, қулоқ тутиб сўз, ашулага,
Ёфасдан мерос бу қутлуғ шевани.
Сенга кўз тегмасин ҳеч қачон, ўлкам,
Сен Гурлан, Ҳазорасп, Шовот, Урганчсан.
Ўтмишинг, бугунинг, эртанг ҳам кўркам,
Ватаним бағрида бир дурри ганжсан.
Сен борсан, кўнглимда мангу тўй-базм,
Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм!

ИСЛОҲОТ

МИЛЛИЙ МАГИСТРАЛ



ИҚТИСОДИЁТ “АРТЕРИЯ”СИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2026 йил 22 июль куни Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент – Самарқанд йўналишидаги янги муқобил автомагистрал қурилишига тамал тошини қўяр экан: “Бугун бу соҳада том маънода янги давр бошланмоқда”, дея таъкидлади. Бу жумла тантанали маросим руҳига мос сўз айтишдан кўра каттароқ мазмунга эга. Чунки Ўзбекистонда илк бор энг юқори тоифадаги, ҳаракат оқими тўлиқ бошқариладиган, олти тасмали автомагистрал барпо этилмоқда.

Ушбу йўл узунлиги 282 километр деб белгиланган. Амалда эса бу қарийб 2,2 миллиард долларлик бутун бошли муҳандислик тизимидир. Йўл Тошкентдан чиқиб, Сирдарё ва Жиззах орқали Самарқандга етиб боргунча 13 та туман ҳудудини кесиб ўтади. Шу масофанинг ўзида дарё ва жарларга солинадиган 92 та кўприк, ҳаракат оқимларини бир-бирига аралаштирмай ўтказадиган 28 иншоот, ер бағридан ўтадиган 60 та туннелли йўлак, алоҳида ер ости ўтиш жойлари ҳамда сув иншоотлари қурилади. Йўлнинг “бадан”и одатдаги асфальтдан эмас, оғир юк ва юқори тезликка чидамли монолит бетондан бўлади. Унда соатига 150 километргача ҳаракатланиш имкони кўзланган. Муддат 2030 йилгача белгиланган. Муҳандисларнинг ҳисобига кўра, йўл бир кечакундузда 60 мингдан 80 мингтагача автомобиль оқимини ўтказа олади. Тошкентдан Самарқандга беш соатда эмас, икки ярим соатда етиб боришга имкон беради. Бу икки ярим соат йўловчи учун оиласига ва ишига қайтарилган вақт, тадбиркор учун айланма маблағнинг тезроқ қайтиши, ташувчи учун қўшимча рейс, деҳқон учун маҳсулотнинг бозорга сифатини йўқотмай етиб боришидир.

Ушбу автомагистрал йўқ жойдан пайдо бўлган шов-шувли мегалойиҳа эмас. У маҳалла кўчасидан халқаро йўлаккача кўтарилган сиёсатнинг энг юқори босқичидир. Рақамларни бир қаторга терсак, бу йўлнинг пойдевори анча олдин қўйила бошлагани кўринади. Республикада 2017–2023 йиллар оралиғида 65 минг километр йўл қурилиб, таъмирланди. Қарийб уч минг маҳаллада илк бор асфальт қопламали йўл қилинди, яна икки минг маҳалланинг тупроқ кўчаларига шағал ётқизилди. 2026 йилда ўн йиллик ишлар сарҳисоб қилинганда, 78 триллион сўм ҳисобига турли даражада қурилган ёки таъмирланган йўллар қамрови 128 минг километрга етгани ойдинлашди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЁД ЭТИБ



АДОЛАТЛИ *адиб*

Президентимизнинг 2026 йил 28 майдаги “Мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовга “Буюк хизматлари учун” ордени берилди. 20 октябрда таваллудининг 100 йиллиги нишонланувчи адиб хотирасига кўрсатилган эҳтиром нафақат оила аъзолари ва шогирдлари, балки кўп минг сонли китобсеварларни тўлқинлантириб юборди.

Ўқувчилик давримизда – ўтган асрнинг 60-йилларида машҳур китоблардан бири Одил Ёқубовнинг “Муқаддас” қиссаси эди. Эсимда, бу асар аввал алоҳида китоб ҳолида нашр этилди, орадан бир-икки йил ўтиб, “Тилла узук” асари билан бирга қайта чоп этилди.

(5-саҳифада ўқинг).

САНЪАТ ОЛАМИ

РАССОМ ФИКРЛАШИ КЕРАК

Ўзбекистон Бадиий академияси раҳбари, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал НУР билан суҳбат

– Акмал ака, биламизки, ижодкор ва олимларга азалдан давлат ва жамиятнинг муҳим бўғинларида масъул вазифалар ишониб топширилган. Бу ўринда уларнинг масалага ўзига хос ёндашуви ҳисобга олинган бўлса, эҳтимол. Гарчи санъаткор мутлақ эркинликка интилса-да, эл-юрт манфаати учун зиммасига оғир юкларни ҳам олади. Камолиддин Беҳзоднинг Ҳиротдаги салтанат кутобхонасини бошқариши, Питер Пауль Рубенснинг беқиёс дипломатлик фаолияти сўзимиз исботи. 14 йилдан буён раҳбар лавозимида бўлган Акмал Нур ижод ва иш ўртасидаги “олтин ўрталиқ”ни қандай сақламоқда?

(Давоми 6-саҳифада).

“БИЗ – 40 МИЛЛИОНЛИ ХАЛҚМИЗ!”

Бошланиши 1-саҳифада.

Давлат сектори бунча аҳолига ягона иш берувчи бўла олмайди. Аҳолини узоққа юбормай, ўз маҳалласида даромадли иш билан таъминлашнинг ягона реал ва барқарор йўли – тадбиркорликни ривожлантиришдир. Хоразм тажрибаси (вилоят иқтисодиётининг 72 фоизи ва экспортининг 81 фоизи кичик бизнес томонидан яратилмоқда) бунинг исботидир.

Жорий йилда ялпи ички маҳсулотни 180 миллиард доллардан, экспортни 40 миллиард доллардан ошириш каби улкан марралар қўйилди. Ушбу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон иқтисодиёти хомашё сотишдан тўлиқ воз кечиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва юқори технологияларга асосланган хизматлар кўрсатишга ўтиши керак. Президент тадбиркорларга мурожаат қилар экан, уларни шунчаки иш ўрни яратиш эмас, балки юқори даромадли иш ўринларини кўпайтиришга чақирди.

Мазкур масала нега муҳим? Гап шундаки, ишчининг маоши юқори бўлса, унинг харид қобилияти ошади, бу эса ўз навбатида ички бозорни ва бошқа тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиради. Юқори даромадли иш ўрни юксак малакали кадр ва замонавий технология демакдир. Ўзбекистон маҳсулотлари дунё бозорида рақобатдош бўлиши учун қўшилган қийматни ошириш, хомашёни чуқур қайта ишлаб, уни бренд даражасидаги тайёр маҳсулотга айлантириш, ташқи бозорларга жадал кириб бориш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ва Европанинг GSP+ тизимидан унумли фойдаланган ҳолда экспорт географиясини кенгайтириш талаб этилади.

Шу ўринда бир нарсани тан олишимиз керак. Мураккаб геосиёсий шароитда биринчи ярим йилликда юртимизда 8,5 фоизлик ўсишга эришилгани ва кредит рейтинглари яхшиланган айнан тадбиркорларнинг меҳнати самарасидир. Президент таъкидлаганидек, “Иқтисодиётни соядан чиқариш текшириш билан эмас, тадбиркорга йўл кўрсатиб, тўғри ишлашга ўргатиш орқали бўлиши керак”. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинса ва тизим шаффоф бўлса, соядан чиқишдан унинг ўзи манфаатдор бўлади.

Мулоқотда эълон қилинган ташаббуслар эса тадбиркорликка алоҳида “босқичма-босқич” ёндашув мавжудлигини кўрсатади. Биринчидан, молиялаштиришнинг инқилобий экотизими барпо этилмоқда. Эндиликда кредит бериш шунчаки пул ажратиш эмас, балки бизнеснинг ўсиш босқичига қараб “Бизнес старт”, “Бизнес лифт” ва “Бизнес юксалиш” дастурлари орқали амалга оширилади. “Бизнес старт”да сунъий интеллект ёрдамида ҳужжатлар тайёрланиб, янги иш бошлаётган тадбиркорга 200 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади. 10 миллиард сўмгача кредит олишда тадбиркор бор-йўғи 25 фоизлик гаров топса кифоя. Ушбу механизмлар тадбиркорга молиялаштириш имкониятини сезиларли даражада кенгайтиради, кичик ва ўрта бизнеснинг энг муҳим тўсиқларини бартараф этади.

Иккинчидан, ҳудудлар салоҳияти ва ресурсларга эркин чиқиш имконияти яратилади. Давлат мулкини хусусийлаштиришда аванс тўлови 30 фоиздан 15 фоизга туширилди, қолган қисмини 7 йил давомида фоизсиз бўлиб тўлаш имкони берилди. “Бонд саноат зоналари”нинг ташкил этилиши, банклар балансидаги 9 триллион сўмлик мулкларнинг чегирма билан сотилиши ва газ/энергия учун аванс тўловининг 15 фоизга туширилиши таннархни аҳамиятли даражада арзонлаштиради.

Учинчидан, сунъий интеллект ва капитал бозорида технологик сакраш юз беради. Президентимиз энг замонавий трендни илгари сурди. “10 минг корхона учун – сунъий интеллект ҳамкор” дастури бошланди. Харажатларнинг 50 фоизи компенсация қилинади, 100 миллион доллар ажратилади. Мазкур ташаббус маҳсулот унумдорлиги ва таннарх рақобатбардошлигини ошириш учун берилган муҳим имкониятдир. Шу билан бирга, 1 миллион ёшни замонавий касбларга ўргатиш ҳамда йилига 50 та корхонани IPOга олиб чиқиш кўзда тутилган.

Тўртинчидан, етказиб беришдан “Экспорт навигатор”гача тизими амалга оширилади. Экспортчиларни “подшоҳдай асраш” тамойили илгари сурилди. 1 миллиард долларлик қўллаб-қувватлаш тизими, “Экспорт элчилари” институти ва топ-100 маҳсулот бўйича логистика ечимлари тадбиркорни ташқи бозордаги шафқатсиз рақобатда ёлғиз қолдирмайди. Экспортчиларни қўллаб-қувватлашнинг ягона тизимига камида 1 миллиард доллар йўналтирилиши, асосий ва истиқболли ташқи бозорларда “экспорт элчилари” фаолиятини йўлга қўйиш эса миллий бизнеснинг хориждаги манфаатларини институционал ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиради.

Бешинчидан, маъмурий босимга тўлиқ барҳам бериш кўзда тутилмоқда. Ушбу йўналиш тадбиркорнинг ҳуқуқий ҳимоясини мутлақо янги даражага кўтарди. Кичик бизнес учун 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Жарималар миқдори 2 баробар камайтирилди. “Тадбиркорнинг ҳақлилик презумпцияси” ва “Биринчи хато учун огоҳлантириш” қоидаси жорий этилди. 30 дан ортиқ лицензиялар бекор қилинди, “сукут – розилик” тамойили кенгайтирилди. Бу эса, Президент тадбиркор ҳуқуқини ҳимоя қилишни шахсий назоратига олганини кўрсатади. Буларнинг барчаси бизнес муҳитида ишонч ва хотиржамликни мустаҳкамлашга қаратилган. Мазкур чораларнинг иқтисодий аҳамиятини фақат маъмурий енгиллик сифатида баҳолаш камлик қилади. Чунки тадбиркор ўз бизнесининг эртанги кунига ишонса, у кўпроқ инвестиция қилади, янги ишчи ўринлари яратади, технология жорий этади ва узоқ муддатли режалар тузади. Демак, ҳуқуқий кафолат ва маъмурий барқарорлик ҳам иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир.

Шу нуқтаи назардан, VI очиқ мулоқотда белгиланган чора-тадбирларнинг барчасини бир нуқтада бирлаштирувчи умумий мантиқ бор. Давлат тадбиркорга фақат кредит ёки имтиёз бериб қолмаяпти, балки капитал, актив, технология, бозор, экспорт, кадр ва ҳуқуқий ҳимояни бир-бири билан боғлайдиган яхлит иқтисодий экотизимни шакллантирмоқда, бу тадбиркорлик сиёсатининг мазмунидаги жиддий эволюциядан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мулоқот якунидаги сўзлари ушбу сиёсатнинг фалсафий ва сиёсий моҳиятини очиб беради: **“Сизларнинг ортингизда доимо қўллаб-қувватлайдиган кучли давлат, ҳуқуқ ва манфаатингизни ҳимоя қиладиган қонун, ташаббус ва мақсадларингизни рўёбга чиқаришда елкадош бўлган Президент бор!”**

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қатъияти бир қатор омиллар билан изоҳланади. Энг аввало, сармоя қўрқоқ – ҳимоя ва ишонч керак. Сармоядор (маҳаллий ёки хорижий) фақат ҳуқуқи мустаҳкам ҳимояланган, мулки дахлсиз бўлган ва давлат идоралари томонидан асоссиз текширувлар бўлмаган жойга пул тикади. Бошқа томондан, давлат аппарати тафаккурини ўзгартириш зарур. Афсуски, баъзи назоратчи ва амалдорлар онгида ҳалигача тадбиркорга “даромад манбаи” ёки “айбдор” сифатида қараш инерцияси сақланиб қолмоқда. Президентнинг шахсий кафолати ва мораторийлар бундай бюрократик тўсиқларни синдириш учун зарур.

Мулоқот давомида яна бир масалага катта эътибор қаратилди. Яъни, ҳар бир ҳудуднинг салоҳиятидан келиб чиқиб янги ўсиш нуқталари белгилаб берилди. Тошкентда экспортга йўналтирилган бизнес, Фарғона водийсида тўлиқ занжирли саноат, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда туризм, креатив индустрия ва агросаноат брендларини ривожлантириш вазифаси қўйилди. Навоий ва Тошкент вилоятида тоғ-кон, металлургия ва илмий кимё, Қашқадарё ва Сурхондарёда агросаноат ва нефть-газ кимёси, Қорақалпоғистонда “яшил” энергетика, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект, Жиззах ва Сирдарёда автомобилсозлик, электротехника ва қурилиш материаллари асосий ўсиш нуқталари этиб белгиланди.

Очиқ мулоқот шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда янги авлод – замонавий, фикрлайдиган ва таваккалчи тадбиркорлар синфи шаклланиб бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган юксак эътибори – бу вақтинчалик кампания эмас, балки Янги Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт моделидир.

Давлат томонидан берилаётган кафолатлар ва яратилаётган имтиёзлар тадбиркорлардан фақат битта нарсани – жасорат билан янги лойиҳаларни амалга оширишни, инновацияларни жорий этишни ва ташқи бозорларга интилишни талаб этади.

Фаровонлик айнан шундай иқтисодий ватанпарварлик устига қурилади.

Иқбол МИРЗО

МИЛЛИЙ МАГИСТРАЛ

Бошланиши 1-саҳифада.



ЙЎЛ ХАВФСИЗЛИГИ: ЎТМИШДА ВА БУГУН

Тарихда йўл хавфсизлиги йўловчи ва карвонни қароқчи, талончи ҳамда ўғридан ҳимоялаш билан ўлчанган. Қадимий работ ва карвонсаройлар шу маънода фақат савдо ёки тунаш жойи эмас, ўз даврининг хавфсизлик инфратузилмаси ҳам эди. Бугунги хавфнинг қиёфаси бошқача. Йўловчига қароқчидан кўра қарама-қарши оқим билан тўқнашув, тартибсиз кесишма, тирбандлик, толиққан ҳайдовчи, носоз қоплама ва кечиккан тиббий ёрдам кўпроқ таҳдид солади. Тирбандликнинг ўзи ҳам хавфсизлик масаласи. Тиқинда асаби чарчаган ҳайдовчи йўқотган вақтини қоплашга уриниб, таваккалига қувиб ўтади, тезликни оширади. Тиқин эса тез ёрдам ва ўт ўчириш машинасининг йўлини тўсади.

2024 йилнинг йўл-транспорт ҳодисаси бўйича совуқ ҳисоби шундай: мамлакат йўлларида 9 минг 364 ҳодиса расман қайд этилган. 8 минг 901 киши тан жароҳати олган, 2 минг 203 оиланинг эшигидан мотам кирган.

Шу боис, хавфсизлик муҳандисликдан бошланиши лозим. Негаки, қарама-қарши оқимларни ажратиш, назорат қилинадиган кириш-чиқиш, пиёдалар ва чорва моллари учун алоҳида ўтиш жойлари, тунги ёритиш, ҳодисани дарҳол аниқлайдиган рақамли марказ, тез ёрдам ва қутқарув нуқталари – буларнинг ҳар бири инсон умрига дахлдордир. Йўлбўйи инфратузилмаси ҳам безак эмас. Ёритилган тўхташ жойи, тоза ҳожатхона, сув, овқатланиш маскани, ёқилғи ва электр қувватлаш шохобчаси, шиномонтаж, дорихона ва биринчи ёрдам нуқтаси хавфсизликнинг бир қисми. Қадимги карвонсаройлар йўловчиларни қароқчилардан, иссиқ-совуқдан, очликдан асраган бўлса, замонавий сервислар мажмуаси уларни чарчоқ ва сарсонгарчиликдан ҳимоялаб, кўмаксиз қолдирмайди.

ХАРАЖАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАЙТИМИ

Ҳозир очиқ турган молиявий манзара шундай: сарфнинг 85 фоизи Хитой банклари бериши кутилаётган кредитлар, қолган 15 фоизи Ўзбекистон бюджети зиммасида. Йўл битгач, уни бошқариш учун яна алоҳида оператор танланади. Шу сабаб, 2,2 миллиард доллар маблағни йўл ҳақига бўлиб, “фалон йилда қопланади” дейиш ҳисоб эмас, фақат тахмин бўлади. Қолаверса, кассага тушган ялпи маблағнинг барчаси сармоя қайтими эмас: йўлни сақлаш, бошқариш, хавфсизлик, қутқарув хизмати ва қарз фоизлари ҳам шу тушумдан қопланади.

Аслида, автомагистралнинг иқтисодий қайтими улкан: тежалган вақт ва ёқилғи, камайган амортизация, маҳсулотни йўқотишнинг қисқариши, янги логистика марказлари, сервис корхоналари, иш ўринлари, солиқ тушуми, туризм ва самарали хавфсизлик. Дастлабки ҳисобни оддий тилга ўгирсак, ташувчининг бугун ҳар 100 сўмга тушаётган харажатидан 19-24 сўмини тежаш имкони пайдо бўлиши мумкин. Магистрал ўтадиган иқтисодий ҳудудлар – Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ялпи маҳсулотга қўшимча 3 фоизлик туртки кутилмоқда. Жаҳон банкининг инфратузилма самарасига оид таҳлиллари эса сарфланган бир доллар иқтисодиёт бўйлаб айланиб, беш долларгача натижа туғдириши мумкинлигини кўрсатади.

Бу самара ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Йўл ўтадиган 13 та туманда логистика марказлари, омборлар, қайта ишлаш цехлари, меҳмонхоналар, устахоналар, овқатланиш ва дам олиш масканлари ташкил этилса, магистрал ўзи ўтган барча ҳудудларнинг иқтисодиётини юксалтириши мумкин. Акс ҳолда, маҳаллий аҳоли машиналар шовқини ва ер ажратиш оқибатини кўради-ю, даромад унинг ёнидан ўтиб кетаверади.

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР САРИ

Тошкент – мамлакатнинг сиёсий, молиявий, илмий ва бошқарув маркази. Самарқанд эса тарихий хотира, маданий мерос ва халқаро туризмнинг ёрқин тимсолларидан бири. Бу икки шаҳар ўртасидаги йўл оддий географик масофани эмас, замонавий давлат билан унинг тарихий илдизини боғлайди. Қадимда Самарқанд орқали савдо карвонлари билан бирга илм, дин, санъат, ҳунар, тил ва дунёқарашлар ҳам ҳаракатланган. Янги автомагистраль, тезюрар темирйўл ва авиация қатнови ана шу тарихий чорраҳани замонавий иқтисодий ҳаракатга қайта улайди.

Сафар вақтининг беш соатдан икки ярим соатга тушиши одамнинг сафар ҳақидаги қарорига ҳам таъсир қилади. Беш соатлик йўл алоҳида тайёргарлик талаб қилса, икки ярим соатлик масофа дам олиш кунги сафарга айланади. Бу музей ва зиёратгоҳга янги меҳмон, ҳунармандга харидор, меҳмон уйи ва миллий таомлар масканига мижоз олиб келади. Энг муҳими, йўл Самарқандда тугамайди. У жанубий вилоятлар сари давом этадиган туристик ҳамда маданий йўналишлар ҳаракатини ҳам тезлаштиради. Шу маънода, магистрал мамлакат имижини реклама орқали эмас, меҳмоннинг тежалган вақти, хавфсиз сафари ва олган таассуроти орқали шакллантиради.

ТРАНСПОРТ ТАФАККУРИДАГИ ЯНГИЛИК

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон транспорт тафаккурига олиб кирган янгилик фақат автомобиль йўли, яна бир поезд ёки янги ҳаво қўналғаси қуришдан иборат эмас. Янгилик – автомобиль йўли, темир йўл, метро, авиация, шаҳар транспорти ва логистиканинг бир-бирини давом эттирадиган ягона ҳаракат тизими сифатида кўрилаётганидадир. Президентимиз 2025 йилдаги Тошкент халқаро инвестиция форумида бу қарашни бир жумла билан ифодалади: “Биз транспорт ва логистика соҳасини иқтисодиётимизнинг қон томири сифатида кўрамиз”.

Мақоламизнинг асосий калит жумласи ҳам шу аслида. Одам боласи манзилга етиш учун йўл қидирса, давлат тараққиётга етиш учун ҳаракат тизимини қуради. Темирйўл ҳам – йўл. Учоқнинг осмонда кўзга кўринмайдиган ҳаво йўлаги ҳам – йўл. Вокзалдан ҳаво қўналғасига, ҳаво қўналғасидан шаҳарга, қишлоқдан магистралга олиб чиқадиган кичик кўча ҳам – шу тизимнинг бир томири. Бир томир тиқилса, бутун тана безовта бўлади.

1964 йилнинг 1 октябри. Токио Олимпиадасининг очилишига тўққиз кун қолган. Япония дунёда биринчи бўлиб юқори тезликдаги “Синкансен”ни ишга туширди. Поезд соатига 210 километр юриши ўша кезда мўъжизадек туюлган. Бугун эса Хитойда йўловчи ташийдиган тезюрар поездлар соатига 350 километр тезликда ҳаракатланмоқда. Жаҳон харитасини темир излар бўйича кузатсак, кўз олдимизда яна бир манзара жонланади. 2025 йилги халқаро атлас ишлаётган, қурилаётган ва режага кирган юқори тезликдаги тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 67 минг 700 километрдан зиёд масофани кўрсатади. Унинг 47 минг 800 километридан ортиғи биргина Хитой ҳиссасига тўғри келади. Ҳар куни қарийб беш минг тезюрар таркиб йўлга чиқади. Улар бир йилда ташийдиган йўловчилар сони уч миллиарддан ошади.

Бироқ бундаги асосий ютуқ тезликнинг ўзи эмас. Ютуқ – аниқ жадвал, хавфсизлик, узлуксиз хизмат ва поезддан тушган йўловчини кейинги манзилга етказадиган транспортнинг шай туришида.

Ўзбекистон бу пойгага 2011 йили “Афросиёб” билан қадам қўйган эди. Янги Ўзбекистон даврига келиб, бу ягона ютуқ бўлиб қолмади. Тезюрар поездларнинг қатнов географиясини кенгайтириш, янги таркибларни олиб келиш ва темир йўлни электрлаштириш бир-бирига боғланган дастурга айланди. Президентимизнинг 2022 йили Хоразмда илгари сурган ташаббусидан сўнг, Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан олтита замонавий электропоезд харид қилиниши бўйича шартнома имзоланди. 2026 йилнинг 5 май куни “Жалолиддин Мангуберди” поезди Тошкентдан Хивага мунтазам қатнай бошлади. Бунинг учун Бухородан Урганч ва Хивагача бўлган қарийб 450 километр темир йўл электрлаштирилди. Етти вагонга жойлашадиган 389 йўловчи энди 1 минг 22 километр масофани тахминан 7,5 соатда босиб ўтмоқда. Энди кечагина шу йўлга 14 соатгача вақт сарфланганини жилмайиб эслаймиз.

ЯҚИНЛАШАЁТГАН МАНЗИЛЛАР

Янги Ўзбекистонда Тошкентнинг метро харитасига 33 километр янги из ва 21 бекат қўшилди. Буни қуруқ масофа деб бўлмайди: Яшнобод, Миробод, Сергели, Янгиҳаёт ва Юнусободда яшайдиган қарийб бир миллион кишига шаҳарнинг энг тез транспорти яқинлашди.

Халқ учун хайрли бўлган бу жараён тўхтагани йўқ. 2030 йилгача метро излари 103 километрга, бекатлар 79 тага етиши, бир кунда 1 миллион 800 минг йўловчини ташиши кўзда тутилган. Метро харитасининг ҳозир қурилаётган муҳим бўлаги – Янги Тошкентни мавжуд тармоққа улайдиган 21 километрлик йўлдир. Ундаги 9 бекат кунига 230 минг кишига хизмат кўрсатади.

Эътибор беринг: гап фақат метро йўлининг узунлиги ҳақида эмас. Янги бекат ёнида машина қолдириш жойи, автобус ва шаҳар атрофи поезди бир-бирини кутиб туриши лозим бўлган тартиб ҳам шакллантирилмоқда. Электропоезддан метрога ёки автобусга ягона тариф орқали ўтиш, машинани қолдириб, метрога ўтиш учун “Park&Ride”дан фойдаланиш, жадвалларни бир-бирига мослаштириш масалалари кун тартибига чиқди. Демак, метро манзилнинг охири эмас, катта ҳаракат ҳалқасининг бир бўғинига айланмоқда.

ҲАВОДАГИ ТЕЗЛИКНИНГ ЕРДАГИ ҚАДРИ

Дубай ҳаво қўналғасининг муваффақиятини фақат учиш-қўниш йўлаклари билан тушунтириб бўлмайди. Сингапурнинг “Чанги” ҳаво қўналғаси ҳам шунчаки ҳаво дарвозаси эмас – у мамлакат ҳақидаги илк таассуротни шакллантирадиган, йўловчи вақтини қадрлайдиган, ўзининг сифатли хизмат кўрсатиш тизими орқали давлат маданиятини кўрсатадиган макондир. Японияда самолётдан тушган одам поезд жадвалини тахмин қилмайди. Германияда вокзал билан ҳаво қўналғаси ўртасидаги боғланиш шунчаки тасодиф ҳукмига ҳавола этилмаган.

Мен Сингапурда “Чанги” ҳаво қўналғасида бўлганимда, бу маконни ҳайрат билан томоша қилган, сўнг бу ҳайрат ортидан кўнглимни оғритган шундай савол пайдо бўлган эди: “Бор-йўғи 744 квадрат километрлик Сингапур шундай ажойиб ҳаво қўналғаси қурибди. Ҳудуди ундан 600 баравардан зиёд Ўзбекистон буни эплолмайдими?” Албатта, эплайди. Мен бунга ишонаман. Бу ишонч қуруқ тасалли эмас. Мамлакатнинг ҳаво дарвозалари бирин-кетин ўзгаряпти: Самарқанд янги терминал билан меҳмон кутиб оляпти, вилоят ҳаво қўналғалари қайта қуриляпти, осмонда янги миллий ташувчиларнинг қанотлари кўзга ташланяпти. Миқёс ва мақсад жиҳатидан энг катта қадам эса Тошкент вилоятидаги янги халқаро ҳаво қўналғаси лойиҳасидир.

“Ўзбекистонни Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни боғловчи йирик авиация хабига айлантиришни мақсад қилганмиз”, дейди Президент бу ҳаво қўналғаси ҳақида. Бу қўналға биринчи босқичининг ўзи 1 минг 300 гектар майдон ва 2,5 миллиард долларлик сармоя дегани. Ўрта Чирчиқ билан Қуйи Чирчиқ туманлари оралиғида бунёд бўладиган бу мажмуа бир йилда 20 миллион йўловчи ва 129 минг тонна юк оқимини қабул қилиши, бир соатнинг ўзида 30 та самолётни учириши ёки қўндириши кўзда тутилган. Энг муҳим жиҳат рақамларда эмас. Лойиҳа чизмасида ҳаво қўналғаси ёлғиз қолдирилмаган: ундан Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Андижон ва Тошкент – Бўстонлиқ автомагистралларига йўл тортилади. Терминал ёнида темирйўл бекати бунёд этилиб, тезюрар поездлар қатнови ҳам йўлга қўйилади. Пойтахт ва Янги Тошкентга қатнайдиган қисқа масофали шаттллар эса ҳаводаги сафарни ерда давом эттиради.

Яъни, йўловчининг ҳаво қўналғасига етиб бориши ва ундан чиқиб кетиши ҳам парвознинг давоми деб қаралиши лозим. Учоқдан тушган одам яна соатлаб такси кутса ёки тирбандликда қолса, ҳаводаги тезликнинг ерда қадри қолмайди. Аэропортнинг ҳақиқий баҳоси пештоқ баландлиги ёки ялтироқ шишалар билан эмас, йўловчи юкини қанча вақтда қўлига олгани, чегара назоратидан қандай ўтгани, поезд ёки автобусга қанчалик осон ўтириши билан ўлчанади. Шу маънода, ҳаводаги парвоз ердаги йўлдан бошланади.

МИЛЛИЙ ЙЎЛ СУВЕРЕНИТЕТИ

География бизга битта қаттиқ шарт қўйган. Ўзбекистондан денгиз портига етиб бориш учун бир эмас, камида икки давлат чегарасидан ўтишимиз зарур. Дунёда бундай икки карра қуруқлик ҳалқасида қолган мамлакат атиги иккита. Бири Марказий Европадаги Лихтенштейн князлиги, иккинчиси Ўзбекистон. Жаҳон банки таҳлиллари табиат белгилаган шу масофага логистикадаги узилишлар ҳам қўшилса, миллий савдо қимматлашишини кўрсатади. Бундай шароитда транспорт вақти оддий қулайлик эмас, у рақобатдошлик, хавфсизлик ва суверен қарор қабул қилиш имконияти ҳамдир. Бу ҳақиқатни англаш учун яқин тарихдан бир мисол етарли. М-39 йўлининг Қозоғистон ҳудудини кесиб ўтадиган қарийб 24 километри 2006 йили беркитилди. Ўзига хос сабаблар билан ёпилган бу йўл фақат 2017 йили қайта очилди. Орадаги ўн йил ҳайдовчиларга харитада қисқадек кўринган йўлнинг айланмаси қанчалик узун бўлишини кўрсатди. Масофа давлат чегарасига бориб тақалганда, бир неча ўн километр ҳам стратегик масалага айланар экан.

Янги автомагистрал бу қарамликни йўқотади, мамлакат ичидаги ҳаракатни ўз қўлимизга олиш имконини кенгайтиради. Фарғона водийси ва марказий ҳудудларни жануб ҳамда ғарбга тезроқ улайди, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон ёки Трансафғон йўлакларидан кирган юкни ички манзилларга тарқатади. Темирйўл ва янги ҳаво қўналғаси билан туташганида эса у шунчаки катта йўл бўлиб қолмай, миллий транспорт белбоғига айланади. У бир вақтнинг ўзида иқтисодий лойиҳа, ижтимоий қулайлик, туристик йўлак, маданий кўприк, муҳандислик мактаби ва транспорт суверенитети воситасидир. Бу, давлат келажагига киритиладиган стратегик сармоядир.

Албатта, тамал тоши ҳали тайёр йўл эмас. Лойиҳанинг ҳақиқий баҳоси 2030 йилда очилиш тасмаси кесилган пайтда ҳам эмас, ундан кейинги йилларда: бетон қанча хизмат қилди, хавфсизлик қанчалик таъминланди, қарз қандай қайтарилди, йўл ҳақи аҳоли имкониятига мос келдими-йўқми, йўлбўйи ҳудудлар даромад олаяптими, деган саволларга ижобий жавоб берилганда аниқ бўлади. Аммо ҳозир айтилаётган бу саволлар эътирофни камайтирмайди. Аксинча, бошланган ишнинг қадрини сақлайди.

Абдулҳамид МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

АВВАЛ ИҚТИСОД...

ЯНГИ ТРАНСФОРМАЦИОН БОСҚИЧДА



2016–2026 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида кечаётган таркибий трансформация – иқтисодий либераллашув, туризмнинг янги ўсиш драйверига айланиши, креатив иқтисодиётнинг институционаллашуви ва хизматлар секторининг кенгайиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик борган сари кўзга ташланмоқда. Асосий эътибор миллий маданий меросни юқори қўшилган қийматли креатив маҳсулот ва туристик тажрибага айлантириш, шу орқали хизматлар экспорти, хусусий инвестиция ва бандликни кучайтириш масаласига қаратилмоқда. Бугун туризм, креатив индустрия ва хизматлар секторини ягона қиймат яратиш тизими сифатида кўриш ҳамда натижадорликни туристлар сонидан ташқари турист харажати, қолиш муддати, креатив маҳсулот улуши ва хизматлар экспорти орқали баҳолаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2016–2026 йиллар оралиғида Ўзбекистон иқтисодиётида шаклланган янги босқични фақат макроиқтисодий ўсиш ёки алоҳида ислоҳотлар йиғиндиси сифатида эмас, балки иқтисодий қиймат яратиш манбалари, секторлар ўртасидаги боғлиқлик ва бозор институтларининг янгиланиши нуқтаи назаридан баҳолаш мақсадга мувофиқ. 2017 йилдан бошланган либераллашув, валюта бозорини эркинлаштириш, тадбиркорлик муҳитини кенгайтириш ва хусусий сектор ролини кучайтириш жараёнлари мамлакатни ресурс ва давлат устуворлигига таянган моделдан хизматлар, билим ва рақобатга асосланган моделга томон силжитди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2017–2025 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида реал ўсишнинг ўртача суръати йиллик 6 фоиз атрофида сақланди, 2025 йил якунларига кўра эса, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 7,7 фоизни ташкил этди.

Ислоҳотларнинг дастлабки иқтисодий натижалари аввалambор бозор механизмларининг кенгайиши, хусусий ташаббус учун қўшимча имкониятлар яратилиши ва инвестиция муҳитининг яхшиланишида кўринди. Бу жараёнлар ўз навбатида туризм, хизматлар ва креатив фаолият каби тармоқларда янги ўсиш нуқталарини шакллантирди. Мақсад туризм, креатив иқтисодиёт, хизматлар, ҳунармандчилик қайсидир маънода тадбиркорлик орқали юқори қўшилган қиймат яратишга ўтишидир. Шу маънода, 2024 йил 3 октябрда “Креатив иқтисодиёт тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодий ривожланишнинг янги босқичида муҳим жиҳат шундаки, ўсиш саноат ёки қишлоқ хўжалиги доирасидагина эмас, балки сервислар, маданий ресурслар ва интеллектуал маҳсулотлар ҳисобидан ҳам таъминланмоқда. Шу маънода, бозор ислоҳотлари орқали яратилган муҳит туризм ва креатив иқтисодиётнинг ривожланиши учун институционал база вазифасини бажаради.

Жаҳон банкининг 2025 йилги “Country Economic Memorandum” ҳисоботида хизматлар сектори Ўзбекистонда иш ўринларининг 40 фоиздан ортиғини қамраб олаётгани, бироқ юқори технологияли ва экспортбоп хизматлар улушини ошириш асосий вазифа бўлиб қолаётгани таъкидланган. UNCTAD маълумотларига кўра, 2022 йилда жаҳонда креатив хизматлар экспорти 1,4 триллион АҚШ долларига етган, UNESCO эса маданий ва креатив соҳалар жаҳон ЯИМининг 3,1 фоизини ва бандликнинг 6,2 фоизини таъминлаётганини қайд этади. Демак, креатив иқтисодиёт ва хизматлар соҳасини тараққиётнинг қўшимча йўналиши сифатида эмас, балки мустақил иқтисодий драйвер сифатида кўриш зарур.

Мазкур мақолада қўлланилган ёндашув тизимли, қиёсий-динамик ва институционал таҳлилга асосланади. Эмпирик база сифатида Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг ялпи ички маҳсулот, бозор хизматлари ҳажми ва туризм кўрсаткичлари, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг туризм соҳасидаги расмий ахбороти, шунингдек, креатив иқтисодиёт бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар олинди. Статистик маълумотлар 2017–2025 йиллар кесимида солиштирилди, институционал ўзгаришлар эса 2024–2026 йилларда шаклланган ҳуқуқий база орқали баҳоланди.

Янги иқтисодий босқичнинг макроиқтисодий белгиларидан бири хизматлар сектори ҳажмининг тез ўсишидир. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилда 389,4 триллион сўмни ташкил этган бозор хизматлари ҳажми 2025 йилга келиб 1 050,3 триллион сўмга етди. Бу ўсиш хизматлар иқтисодиётига ўтиш жараёнининг миқдорий ифодасидир, аммо унинг мазмуни хизматлар таркибида қайси соҳалар ўсгани билан белгиланади. Савдо, транспорт, ахборот-коммуникация, молиявий хизматлар, жойлаштириш ва овқатланиш, профессионал хизматлар, шунингдек, туризм билан боғлиқ сервислар ўсишнинг муҳим манбаларига айланди.

Ўзбекистон иқтисодий трансформациясининг танланган натижавий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2017 йил	2025 йил	Изоҳ
ЯИМ реал ўсиши, %	5,0	7,7	2025 йилда юқори суръат сақланди
Хорижий туристлар, миллион нафар	2,7	11,7	4,3 баравар ўсиш
Туризм хизматлари экспорти, миллиард АҚШ доллари	0,531	4,8	кескин кенгайиш
Бозор хизматлари ҳажми, триллион сўм	–	1 050,3	2021–2025 йилларда тез ўсиш
Креатив иқтисодиёт ҳуқуқий базаси	шаклланмаган	тизимли шаклланди	2024–2026 йиллар, институционал босқич

Ислоҳотларнинг энг ёрқин натижаларидан бири туризм соҳасида намоён бўлди. Охирги йилларда туризм фақат маданий-гуманитар соҳадаги фаолият эмас, балки экспорт, инвестиция ва ҳудудий даромадлар манбаи сифатида қарала бошлади. 2025 йилда Ўзбекистонга туристик мақсадда 11,7 миллион нафар хорижий фуқаро ташриф буюрди. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг расмий маълумотига кўра, 2017 йилда 2,7 миллион нафарни ташкил этган хорижий туристлар сони 2025 йилга келиб 11,7 миллион нафарга, туризм хизматлари экспорти эса 531 миллион АҚШ долларидан 4,8 миллиард АҚШ долларига етди. Бу туризмнинг иқтисодий ўсиш ва хизматлар экспортининг янги драйверига айланганини тасдиқлайди.

Туризмнинг сифат жиҳатдан янги модели эса тарихий мероснинг оддий томоша объекти сифатида эмас, балки юқори қўшилган қиймат яратадиган тажриба маҳсулоти сифатида баҳоланиши билан боғлиқ. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлар зиёрат туризми, гастрономик туризм, ҳунармандчилик, фестиваллар, шаҳар маданияти, дизайн ва рақамли контент билан бойитилганда турист учун кўпроқ иқтисодий қиймат яратади. Бунда туризм объектлари ва креатив индустрия ўртасидаги боғлиқлик кучаяди: туристик тажриба ҳунармандчилик маҳсулотига талабни оширади, миллий нақш ва бренд дизайни сувенир ва контент бозорини кенгайтиради, маданий тадбирлар эса хизматлар экспорти учун қўшимча мультипликатор вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари билан Самарқандда Имом Бухорий мажмуасининг янгидан қад кўтариши, Тошкентда муҳташам Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг ишга туширилиши, ҳеч муболағасиз, дунё зиёрат туризми ландшафтини бутунлай ўзгартириб юборди.



Туризм, креатив иқтисодиёт ва хизматлар конвергенциясининг қиймат яратиш модели

Юқоридаги чизма туризм, креатив иқтисодиёт ва хизматлар секторининг алоҳида эмас, балки бир-бирига таъсир қилувчи ягона занжир эканини кўрсатади. Иқтисодий либераллашув инвестиция ва хусусий сектор учун умумий муҳит яратади; туризм ташқи талабни мамлакат ҳудудига олиб киради; миллий маданий мерос креатив индустрия билан бирлашганида маҳсулот ва тажрибага айланади; рақамли ва бозор хизматлари ушбу маҳсулотни ички ва ташқи бозорга етказади; натижада экспорт тушуми, бандлик ва ҳудудий даромадлар ўсади.

Креатив иқтисодиётнинг моҳияти инсон капиталига таянган иқтисодий фаолиятда яққол намоён бўлади. Дизайн, архитектура, кино, мусиқа, театр, ҳунармандчилик, реклама, медиа, IT ва контент ишлаб чиқариш каби соҳаларда асосий ресурс хомашё эмас, балки билим, истеъдод, интеллектуал мулк ва ижодий интерпретация ҳисобланади. Ўзбекистон учун бу йўналиш, айниқса, муҳим, чунки миллий нақшлар, тарихий мерос, анъанавий ҳунармандчилик, гастрономия ва мусиқий мерос глобал бозорда рақобатбардош креатив маҳсулотга айланиши мумкин.


2024–2026 йилларда креатив иқтисодиёт соҳасида шаклланган ҳуқуқий-институционал база ушбу жараёнга янги суръат берди. 2024 йилда қабул қилинган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонун, 2026 йил 16 февралдаги ПҚ-64-сонли қарор, 2026 йил 3 мартдаги 90-сонли Вазирлар Маҳкамаси қарори ва 2026 йил 7 июлдаги ЎРҚ-1157-сонли қонун креатив индустрия субъектларини қўллаб-қувватлаш, парклар ва кластерлар яратиш, статистик ҳисобни йўлга қўйиш, солиқ ва институционал имтиёзлар беришга қаратилди. Шу тариқа, креатив фаолият маданий ташаббус доирасидан чиқиб, иқтисодий сиёсатнинг тўлақонли объектига айланди.



Бозор ислоҳотларидан туризм ва креатив иқтисодиёт орқали хизматлар экспортига ўтиш механизми


Бозор ислоҳотлари институционал муҳит яратади, туризм ушбу муҳитдан фойдаланиб ташқи талабни жалб қилади, тарихий мерос ва маданий ресурслар креатив маҳсулотга айлантирилади, хизматлар сектори эса ушбу маҳсулотларни тижоратлаш ва экспортга олиб чиқишни таъминлайди. Натижада мамлакатнинг иқтисодий ўсиши янада сифатли тус олади, яъни, қиймат занжирида маҳаллий қўшилган қиймат улуши ортиб боради.

Туризм ва креатив фаолият ўртасидаги миқдорий боғлиқликни янада яққолроқ кўрсатиш учун 2017 ва 2025 йилларда хорижий туристлар сони ҳамда туризм хизматлари экспорти динамикаси 1-диаграммада келтирилди. Унда туристлар сони ва экспорт тушуми ўртасидаги параллел ўсиш иқтисодий либераллашувдан кейин туризм соҳасининг иқтисодий аҳамияти сезиларли даражада кучайганини кўрсатади.



Ўзбекистонда туризм динамикаси: хорижий туристлар ва экспорт, 2017 ва 2025 йиллар

Креатив иқтисодиётнинг амалдаги иқтисодий қиймати миллий маданиятдан глобал креатив маҳсулот яратиш имкониятида намоён бўлади. Миллий нақшлар, ҳунармандчилик анъаналари, меъморий услублар, гастрономик брендлар, миллий мусиқа ва шаҳар мероси товарлар, хизматлар ва рақамли контентга айлантирилганда “маданий мерос → креатив маҳсулот → туристик тажриба → экспорт даромади” занжири шаклланади. Бу ерда туризм ва креатив иқтисодиёт бир-бирини тўлдирувчи тармоқлардир, яъни, турист креатив маҳсулот учун бозор яратади, креатив маҳсулот эса туристик тажрибанинг қийматини оширади. Хизматлар иқтисодиётига ўтиш ушбу жараённинг макроиқтисодий ифодаси ҳисобланади. Хизматлар бозори ҳажмининг 2021–2025 йилларда қарийб 2,7 баравар ўсиши мамлакат иқтисодиётида хизматлар улуши ва айланмасининг тез кенгайиб бораётганини кўрсатади. Бироқ бу ўсишни автоматик тарзда юқори унумдорлик билан тенглаштириш тўғри эмас. Асосий вазифа хизматлар сонини кўпайтиришдан кўра, уларнинг таркибида рақамли, молиявий, креатив, профессионал ва экспортбоп сегментлар улушини кенгайтиришдан иборат. Шу маънода, хизматлар иқтисодиётига ўтиш – бу миқдорий эмас, сифат ўзгариши ҳамдир.



Ўзбекистонда бозор хизматлари ҳажми динамикаси, 2021–2025 йиллар

Таҳлил натижалари шундан далолат берадики, Ўзбекистон учун энг мақбул йўл туризм, креатив иқтисодиёт ва хизматлар секторини алоҳида эмас, ягона ривожланиш экотизими сифатида бошқаришдир. Туризмда натижадорликни



Нурислом ТЎХЛИЕВ,
академик

фақат ташрифлар сони эмас, бир туристга тўғри келадиган харажат, ўртача қолиш муддати, маҳаллий маҳсулот хариди ва креатив хизматлардан тушум билан баҳолаш мақсадга мувофиқ. Креатив кластерларда эса резидентлар сонидан кўра экспорт шартномалари, янги брендлар, интеллектуал мулк объектлари ва ҳудудий иш ўринлари муҳим KPI бўлиши керак. Шу билан бирга, инсон капитали ушбу моделнинг марказий шарти бўлиб қолади. Ижодий қобилиятни тадбиркорлик кўникмалари, маркетинг, молиявий режалаштириш, рақамли дистрибуция ва муаллифлик ҳуқуқи билан уйғунлаштирмасдан туриб, креатив иқтисодиётни барқарор тарзда кенгайтириш қийин. Олий таълим ва касбий таълим тизимида креатив тадбиркорлик, маданий маҳсулот маркетинги, туристик тажриба дизайни ва интеллектуал мулкни тижоратлаштириш каби модулларни ривожлантириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, 2016–2026 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида шаклланган янги босқични “бозор ислоҳотлари → туризм драйвери → креатив иқтисодиёт → хизматлар иқтисодиёти” занжири орқали тушунтириш мумкин. Бу занжир мамлакатнинг тарихий-маданий активларини юқори қўшилган қиймат, ҳудудий даромад ва экспорт диверсификацияси манбаига айлантиришга хизмат қилади. Келгуси босқичда туризм, креатив индустрия ва хизматлар секторини биргаликда қўллаб-қувватлайдиган статистик ҳисоб, инвестиция механизми ва кластер сиёсати янада мустаҳкамланса, Ўзбекистон учун янги сифатли ўсиш модели шаклланиши мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётида янги ўсиш манбалари энди фақат анъанавий тармоқларда эмас, балки тарихий меросни замонавий хизмат ва креатив маҳсулотга айлантира олиш қобилиятида эканини кўрсатади. Шу боис, туризм, креатив иқтисодиёт ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг ташқи иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш, ҳудудий ривожланишни фаоллаштириш ва инсон капиталига асосланган иқтисодиёт сари ўтишнинг муҳим шарти бўлиб қолади.

Келгусида сиёсатнинг яна бир муҳим йўналиши – натижадорликни чуқурроқ ўлчайдиган статистик ва аналитик тизимларни шакллантиришдир. Туризмнинг ёрдамчи ҳисоби (Tourism Satellite Account) ҳамда креатив иқтисодиёт ҳисоби ўзаро боғланган ҳолда юритилса, турист сарфининг қай қисми маҳаллий ҳунармандчилик, дизайн, гастрономия ёки рақамли контент ҳисобига тўғри келаётганини аниқлаш мумкин бўлади. Бу эса бюджет қўллаб-қувватлаши, ҳудудий кластерлар ва инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини далилларга асосланган тарзда баҳолаш имконини беради.

Шу билан бирга, мавжуд жараёнларда айрим чекловлар ҳам бор. Биринчидан, креатив иқтисодиёт ва туризмнинг статистик ҳисоби ҳали тўлиқ интеграциялашмагани сабабли, қўшилган қийматни аниқ ўлчаш қийин. Иккинчидан, хизматлар секторида юқори малакали кадрлар, тил кўникмалари, дизайн ва маркетинг компетенциялари барча ҳудудларда бир хил эмас. Учинчидан, тарихий меросни тижоратлаштириш билан унинг асл маданий қийматини сақлаш ўртасида эҳтиёткор мувозанат зарур. Бу муаммоларни инкор этмасдан, аксинча, уларни дастурий тарзда ҳал қилиш ривожланиш моделининг барқарорлигини таъминлайди.

Туризм ва креатив иқтисодиётнинг рақамли ўлчами ҳам тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Замонавий турист ахборотни рақамли платформалар орқали олади, хизматларни онлайн брон қилади, тажриба ҳақида ижтимоий тармоқларда фикр билдириб, креатив маҳсулотларни маркетплейслар орқали сотиб олади. Демак, рақамли сервислар туризм ва креатив иқтисодиёт ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради. Ўзбекистон учун бу йўналишда миллий брендларни халқаро платформаларга олиб чиқиш, музей ва тарихий объектлар учун рақамли контент яратиш, маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларини электрон савдо каналлари орқали экспорт қилиш каби имкониятлар, айниқса, долзарб ҳисобланади.

Бунда хусусий инвестицияларни жалб қилиш механизми ҳал қилувчи ўрин тутади. Туризм ва креатив индустрия аксар ҳолларда катта давлат сармояларидан кўра, кичик ва ўрта бизнес, стартаплар, оилавий корхоналар, дизайнерлик устахоналари, гастрономик лойиҳалар, меҳмон уйлари ва рақамли платформалар орқали тезроқ ривожланади. Давлатнинг вазифаси бундай ташаббусларни тўғридан-тўғри бошқариш эмас, балки ҳуқуқий аниқлик, солиқ рағбатлари, инфратузилма, маркетинг ва молиявий инструментлар орқали қулай муҳит яратишдан иборат. Шу сабабли, креатив парклар, махсус дастурлар ва кластерлар фақат имтиёз майдони эмас, балки бизнес-моделлар синовдан ўтадиган институционал платформаларга айланиши керак.

Амалий жиҳатдан қаралганда, туризм ва креатив иқтисодиётнинг бирлашуви ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутларни юмшатиш имконини ҳам беради. Тошкент шаҳрида хизматлар ва рақамли инфратузилма устун бўлса, Самарқанд, Бухоро ва Хивада маданий мерос ва туристик тажриба кучли актив ҳисобланади. Фарғона водийси ҳунармандчилик ва гастрономик йўналишлар, Қорақалпоғистон ва Хоразм эса музей, экотуризм ва фестиваллар, Қашқадарё ва Сурхондарё фольклор асосида креатив маҳсулот яратиш учун алоҳида салоҳиятга эга. Шунинг учун ҳудудий ривожланиш стратегияларида “бир хил модел” эмас, балки ҳудуднинг тарихий, маданий ва хизматлар базасидан келиб чиқувчи дифференциал ёндашув устувор бўлиши лозим.

Эртаси улуғвор, буюгим ўзинг



Зарифа ЭРАЛИЕВА

УЛУҒ КУН
(фахрия)

Илк тамал тошингни қўйганлар ҳаққи,
Ватаним – шаъним, деб суйганлар ҳаққи,
Ҳурликнинг бол таъмин туйганлар ҳаққи
Бир дилдор сўз излаб бедорман, Ватан!

Жони жон юртига фидолар ҳаққи,
Улуғлар қўл очган дуолар ҳаққи,
Эл бошига қўнган ҳумолар ҳаққи
Аввал бир бор эдим, минг борман, Ватан!

Меҳрини онамдай гул қилиб эккан,
Отамдай топганин ўртага тўккан,
Мардлари ор учун жонини тиккан
Илдизи минг қулоч чинорман, Ватан!

Ғанимлар бўғзида ҳамон чўғ, ёниш,
Пайт пойлаб санчмоққа қайраб турар ниш,
Мен эса баралла қилурман хониш –
Тенгсиз қудратингга иқрорман, Ватан!

Озорлар унутмас, оғриғи сим-сим,
Бу кўзлар нур кутиб қорайган тим-тим.
Айтинг, энди қандоқ яшаб бўлар жим –
Қишдан омон чиққан баҳорман, Ватан!

Не улуғ кун бу кун, уфқда оқ нур...
Нур ичра элим, деб бир ўғлон келур.
Ўв-в, унинг руҳида Темур уйғонур –
Мен шундай толега чин ёрман, Ватан!

Муҳаббат меросдир Момо Ҳаводан,
Ишқ сўраб ўтиндим қодир Худодан,
Жудо айламагил шу юрт – маъводан,
Қанча суйсам шунча хуморман, Ватан!

Бағрингда тонглар ҳам нозланиб отар –
Қучса қучоғига ғунчалар ботар,
Илло, қузғунлардан етмасин хатар –
Садқаи жонингман – туморман, Ватан!

Сўз – ҳикмат булоғи, дардни аритгай,
Ой – Тангри чироғи, тунни ёритгай.
Бир қувонч минг йиллик ғамни қаритгай,
Мадҳингга битилган ашъорман, Ватан!

Пойингга кимлар гул, кимлар тош отур,
Билмайин руҳдаги шерни уйғотур.
Тоғ десам, ёнбошлаб Алпомиш ётур –
Аждодлардан мерос шаҳд, орман, Ватан!

Яхшилар тўйингни тўйлаб келурлар,
Бўйларин бўйингга бўйлаб келурлар.
Вале, бадниятлар ўйлаб келурлар...
Она бургут мисол ҳушёрман, Ватан!

Элим деб бағри минг куюгим ўзинг,
Эртаси улуғвор, буюгим ўзинг.
Ҳаммадан, ҳаммадан суюгим ўзинг,
Буюр, хизматингга тайёрман, Ватан!

ХОТИРА БОҒИДА

Нурафшон шаҳрида беш фарзанди урушдан қайтмаган Зулфия ая Зокирова хотирасига ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди.

Ассалом, вафонинг буюк тимсоли,
Бардоши тоғларни тиз чўктирган зот.
Сен – сабр аҳлининг офтобжамоли,
Сен – сабот мадҳига битилган баёт!

Урушлар тинару кетмаскан доғи,
Ўчиролмас экан йиллар сайқали.
Соғинч фарёди у, огоҳлик бонги –
Жангчи онасининг маҳзун ҳайкали!

Она, қаддинг кўтар, эгмагил бошинг,
Беш ўғлон сен учун фидо қилди жон.
Тегрангда тўрт келин – ой-у қуёшинг,
Сен меҳр қўрғони, асл қаҳрамон!..

Келди зангор фасл – Ҳурлик баҳори,
Булбуллар қайтдилар чаманзорига.
Тонгларни уйғотар бахтнинг ифори –
Ошиқлар гул тутар суйган ёрига!

Бўлди, бас, армондан сўз очма, она,
Болангдай кўз очди пойингда чечак.
Йигитлар қўриқлар юртни мардона –
Энди бева қолмас бирор келинчак!

Энди замон янги, орзулар янги,
Дунёга бўй тенглар янги ҳур авлод!
Ҳар оҳанг, ҳар созда тинчлик жаранги,
Оналар болам, деб чекмаслар фарёд!

Гар тақдир бир лаҳза ортга қайтса-ю,
Тилагинг нима, деб берсалар савол.
Дунё тинч бўлсин, деб пичирлайди у,
Уруш бўлмасин, деб шивирлар аёл!

...Бу боғда соғинчлар тош қотган мангу,
Бунда ибрат яшар, бунда ор яшар.
Миллат ботирларин туққан она у,
Шундайлар бор учун омондир башар!

ТАВАЛЛО ҚИЛИНГ

Шукр, Тангрим мени аёл яратди,
Юлдузлар ичинда ҳилол яратди.
Сўзнинг тупроғидан лой қормоқ қисмат –
Мени шеър дардида кулол яратди.

Севдим, осмон қадар юксалдим бешак,
Севилдим, қай дилга парвоналар ёр.
Ахир, ишқ Худодир, Худо – ишқ демак,
Бу оташ кўнглимда беҳиштга йўл бор!

Дедим, боғлар хазон ичра ҳам гўзал,
Қор босса ҳам тоғлар буюқдир, ишон.
Лек Аёл гулласа, боғдан не асар,
Аёл даст турганда тоғдан не нишон?!

О, қанчалар буюк менинг гул қавмим,
Юрагим шодланиб куйламай нечун?!
У бешик тебратса улғаяр Ватан,
Алла айтганида уйғонар очун!

Шунчаки тақдирмас Аёл яралмоқ,
Шунчаки қарз эмас гул тутмоқ унга.
Таваллолар қилинг, шукр этинг ҳар чоқ,
Тангри Аёл зотин яратган Кунга!..

ҲОЛАТ

Бугун ногоҳ чўккан тоғдайман,
На беморман ва на соғдайман.
Ҳувиллаган кузги боғдайман –
Сизни жуда соғиндим, она!

Оташларда ёндим, ўртандим,
Озорларга кўндим, ўргандим.
Айтинг, сўнг бор қачон кўргандим –
Сизни жуда соғиндим, она!

Сиз бир ёнсиз, дунёлар бир ён,
Воҳ, дунёга дил бердим қачон?!
Кипригимда бир томчи армон,
Сизни жуда соғиндим, она!

Ишққа умрим бердим – бор бўлдим,
Ўтинч, ўкинчларга ёр бўлдим,
Охир фақат сизга зор бўлдим,
Сизни жуда соғиндим, она!

Менга сиздек куйган борми ҳеч,
Ё миннатсиз суйган борми ҳеч,
Жонимни бахш этсам, деманг, кеч...
Сизни жуда соғиндим, она!...

ОГОҲЛИК

Бандасан, бандага дилинг не тилар,
Бил, олам абадий хона бўлмайди.
Отанг кетса, ҳаёт оталик қилар,
Онанг кетса... ҳеч ким она бўлмайди!

ЭЙ ДЎСТ...


Эй дўст,
Дийдор йўли чўзилмадими,
Ўртада бир нима узилмадими?!
Бемаврид айтилган битта сўзни деб
Минг йиллик кўприклар бузилмадими?!.

МЕНГА СЎЗ БЕР...

Қўй, миннатли ишқингни, тақдир,
Кўр, дилимни мунг ер, ҳасрат ер.
Майли, бахтга етсин ўзгалар,
Менга бедор Сўз бер, Ҳайрат бер!..

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

ДЕВОР ОРАСИДАГИ КИТОБ



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг бошлари, айни қиш чилласи эди. Аёздан-да совуқ миш-миш тарқалди: ёзувчи Жулқунбой қамоққа олинибди! Хабар кимнинг қулоғига етса, биринчи айтар сўзи “Йўғ-е!” эди. Қандай қилиб? Одамлар қўлдан қўймай ўқиётган “Ўткан кунлар” рўмонини ёзган адиб қамаладими?! Шубҳа-гумонлар шу қадар болаладики!.. Ивир-шивирлар шу қадар урчидики!.. Ёзувчи қамалса, у одам ёзган китобнинг тақдири нима кечади? Ана шу саволга жавоб йўқ эди.

Абдураҳмон икки куну уч тунда ўқиб битирди рўмонни. Азбаройи бошқа одамга айланиб қолгандек бўлди. Ўзини қўярга жой тополмас, дуч келган катта-кичикка мутолаа таассуротларидан туғилган ҳис-ҳаяжонини ҳикоя қилишдан чарчамасди. Китобни на уйда, на ишда қўлдан қўймас, дам Отабекнинг Мирзакарим қутидор хонадонида ўтган меҳмондорчилик тасвирини қайта ўқир, дам Кумушбибининг келинлик тасвирига хаёли қочар, янаям муҳими, араб ёзувини ўргангач, ҳижжалай-ҳижжалай биринчи ўқиган китоби ҳам “Ўткан кунлар” эди!

Китобни оқ сурпга ўраб, белбоғига қистириб юрди, назарида, шундай қилса, ҳеч ким уни тополмайдигандек эди.

Ёлвориб-ўтиниб сўрайдиганлар бор, бир-икки кунда қайтараман деб, ҳоли-жонига қўймайдиганлар бор. Чунки китоб сотувга чиқарилмаган, фақат кутубхоналарга тарқатилган эди. Йўқ, Абдураҳмон китобни кимгадир берса, ичи, ичига қўшилиб дунё ҳувиллаб қоладигандек бўларди. Нима, икки қўллаб китобни олиб бориб топширадими?! Кутубхона ходими уйига келди, китобни зудлик билан қайтаришини талаб қилди, Абдураҳмон эса турли баҳоналар билан галга солди.

Уйқуси қочди. Хаёли бузилди. Шу кунларда тарқалган навбатдаги овоза аввалгисидан-да совуқ эди:

– Жулқунбой томонидан ёзилган “Ўткан кунлар” китоби кимнинг қўлида бўлса, зудлик билан кутубхонага қайтарсин! Кимда-ким китобни қайтармаса...

Абдураҳмон қулоғини кар, кўзини кўр қилиб олди, бироқ китобни қўлда кўтариб юриш ёки уйда сақлаш янаям хавотирли. У кун ўйлади, тун ўйлади. Эшик тиқ этса, “Келишди!” деган ваҳимадан юраги ўртаниб-ла кетарди. Устига-устак, у аёли, икки қизи билан яшаётган хонадон раҳматли отасининг узоқ бир жияни Асқар акага қарашли, яъни, ўзининг бу манзилда яшаши ҳам омонат эди.

Уйда ҳеч ким йўқлигини пойлаб, бутун уй-ҳовли деворини кўздан кечирди, шунда оғилхона деворининг қўшни ҳовлига туташ бир қулоч келадиган жойи негадир қўш синчли эканини кўрди. “Шу ерга!” деди ўзига-ўзи.

Ярим тунда борди-да, пайпасламай-нетмай, оқ сурпга ўралган “Ўткан кунлар”ни одам бўйидан баландроқ қўш синч девор орасига ташлади.

Орадан икки кун ўтдими-йўқми, “кутилган меҳмон”лар бир гуруҳ бўлиб келди: маҳалла оқсоқоли, участка нозири, кутубхона ходими, яна икки нотаниш кимса. Кутилган меҳмонларнинг саволлари ҳам кутилган эди.

– Ваҳобов Абдураҳмон сиз бўласизми?

– Ҳа, мен.

– Кутубхонадан Жулқунбойнинг қаламига мансуб “Ўткан кунлар” рўмонини олган экансиз? Тасдиқлайсизми?

– Тасдиқлайман. Олгандим.

– Нима сабабдан уни кутубхонага қайтармадингиз?

Абдураҳмон неча қайта такрорлаб, пухталаб қўйганди, бийрон-бийрон жавоб қайтарди:

– У китобнинг баҳридан ўтдим.

– Қандай қилиб?

– Ёқиб юбордим.

– Нима сабабдан ёқдингиз? Ўқиб тугатган эдингизми?

– Эндигина ўқий бошлагандим. Тўсатдан қулоғимга чалинди. У ёзувчи халқ душмани экан. Халқ душмани ёзган китоб нафақат кишиларнинг хонадонида, балки кутубхонада ҳам сақланишга номуносиб, деган қарорга келдим.

– Баракалла! – деб юборди “нотаниш”нинг бири. – Тушунган одам экансиз. Фақат бизга айтган гапларингизни тилхат ўрнида ёзиб берасиз.

Абдураҳмон қоғоз-қалам олиб, шошмай ёзди. “Ўткан кунлар”ни нима қилган бўлса, “айнан” қоғозга туширди. Келувчилар уни қўлма-қўл олиб кўз югуртиришди. Абдураҳмон енгил тортгандек нафас ростлади. Бироқ...

– Имзосиз тилхат қабул қилинмайди, – деди участка нозири димоғида тўнғиллаб. Абдураҳмон варақнинг адоғига имзо чекди.

– Энди, – деди “нотаниш”нинг иккинчиси, – ўрнатилган тартибга кўра, уйни тинтув қиламиз.

Очиғи, Абдураҳмон буни кутмаганди. Юраги шув этиб кетди. Сир бой бермай, хонадон соҳиби Асқар акага зимдан нигоҳ ташлади...

* * *

Абдураҳмон озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш идорасида ишлар эди. Ишда, кўчада, уйда, маҳалла-кўй – қаерда тўрт-беш киши тўпланса, албатта, Жулқунбой, унинг “Ўткан кунлар”и ва адибнинг тақдири ҳақида сўз очилар, тахминий, узуқ-юлуқ гаплар, рўмон воқеаларидан гап очилса, ҳаяжон тўла таассуротлар тугамасди. Абдураҳмоннинг ичи йиғилиб ётган таассуротлардан қайнаб кетар, у ҳам суҳбатларга қўшилиб, асар ҳақидаги ўйлаганларини ўртоқлашгиси келар, лекин кўнгил майли ва тилига эрк берса... одамлар унга шубҳа билан қараётгандек бўлиб туюлар, қўш синч орасида жон сақлаётган рўмонни ошкор қилиб қўядигандек хавотирга тушарди. Абдураҳмон ўз қўли билан яширган “хазина”ни буткул унутишга қарор қилди.

Адибнинг исм-шарифини, китобни унутгандек, хаёл қатларидан чиқариб ташлагандек юрди гўё, бироқ бўш қолди дегунча, оёғи кўмирхона ва ўтинхонага айлантирилган собиқ молхона томонга тортар, қўрқа-пуса ва зимдан тасодифан қўш синч қилиб урилган бурчак деворни кўздан кечирар, девор ўша-ўша ўзгаришсиз турганини кўргачгина кўнгли жойига тушар, хотиржам тортарди.



* * *

“Абдулла Қодирий-Жулқунбой отилибди!” – деган овозани илк бор эшитган жойида Абдураҳмон йиғлаб юборди. Кўз ёшларини тия олмади. Ўзи ҳаётда бир бор кўрмаган, учратмаган, бироқ рўмонни, ундаги бир-биридан ажойиб ва ғаройиб тасвирлар, айниқса, яқин туғишган одамлардек қондош-жондошига айланган қаҳрамонларни яратган инсоннинг “халқ душмани” деган қора тамға ортидан қатл этилиши нафақат Абдураҳмонни, балки юзлаб, минглаб оқ кўнгилли одамларни ларзага солди. Бу билан Жулқунбойдек адибга одамлар қалбидаги меҳр-муҳаббат совумади, балки янаям ҳарорати ортди. Ҳатто, айримлар қасдма-қасдига адиб ва унинг асари ҳақида намойишкорона суҳбатлаша бошладилар. “Ўткан кунлар”ни тунда яширинча ўқийдиганлар кўпайди. Шунда Абдураҳмон қўш синч орасидан оқ сурпга ўралган китобни олишни, уни қайта-қайта ўқишни истади, лекин замон нотинч эди, таҳликали эди. Сабр қилди.

Шундай кайфият 1941 йилнинг айни ёзида уруш бошланган кунларга қадар ўзгармади.

* * *

Абдураҳмон фронтга отланар экан, бир кўнгли аёлига сирни очмоққа оғиз жуфтлади, бироқ ўйлаб қолди: бу ёғи ҳаёт қандай кечади, номаълум. Аёлини таҳликада қолдиришни истамади. Бир ҳисобда тўғри қилган экан, ҳали жангга киришга улгурмай олган иккинчи хатида аёли хат йўллаб, рўзғордан қийналиб қолганини айтиб, вақтинча бўлса-да, ота-онасининг хонадонига кўчиб ўтишга изн сўради. Абдураҳмоннинг рухсат беришдан ўзга иложи йўқ эди. Жанглар давом этар, у хотинига, қизларига ёзган хатларида жанг тафсилотлари, ўзининг соғ-омонлиги қолиб, такрор-такрор, “Асқар аканинг уй-жойи ўз жойидами?” – деган мазмунда сўраб қўймас, “Бориб, ўзимиз яшаган уйлардан хабар олиб келинглар”, деб тайинлашдан чарчамас, бироқ бунинг сирини очмасди.

Днепр дарёси кечуви серталофат бўлди. Тунги штурм тонгга қадар давом этди, аксига олиб, қўшин нариги қирғоққа ўтганда асосий қисм билан алоқа узилиб қолди. Алоқа ўрнатиш ҳаёт-мамот масаласига айланди. Манаман деган алоқачиларнинг ҳарчанд уринишлари бесамар кетди. Шунда омад Абдураҳмонга кулиб боқди – унинг саъй-ҳаракати билан алоқа тикланди!

Тошкентнинг Чақар маҳалласидан чиққан ўзбек жангчисининг кўксини безаган “Қизил юлдуз” ордени ҳам унга ана шу хизмати учун раво кўрилган эди.

* * *

Не-не жанггоҳлардан омон-эсон чиққан Абдураҳмон Берлин шаҳрини ишғол этишда иштирок этгач, она юртига қайтди. Оиласи, фарзандлари қучоғига жони омон ҳолда қайтганига бир суюнса, Чақарга – Асқар аканинг хонадонига етиб келиб, ўз вақтида унга ва унинг оила аъзоларига бошпана берган хонадонни ўша-ўша аҳволда кўриб ўн суюнди. Фақат оқибатли қариндош Асқар ака банdaликни бажо этган экан.

– Адам васият қилдилар, – деди ўғли Муҳиддин, – Абдураҳмон аканг урушдан қайтса, фарзандлари билан шу ердаги уйида яшасин.

* * *

Урушдан кейинги машаққатли йиллар Абдураҳмон оиласи билан Чақардаги Асқар акадан мерос хонадонда – икки уй, бир айвонда истиқомат қилди. Икки йил ўтганди чоғи. Қадимдан қолган маҳалла уй-жойлари бузила бошланди. Маҳаллий аҳоли учун шаҳарнинг турли мавзеларидан ер майдонлари ажратилди. Абдураҳмон аканинг ўй-хаёли қўш синчли деворда эди. Не кўз билан кўрсинки, қарийб ўн йил ўтган бўлсада, қўш синч орасига яширилган – оқ сурпга ўралган “Ўткан кунлар”, чанг-чунгни айтмаганда, қандай бўлса, ўшандай сақланган эди!

* * *

...Ҳикоянинг ниҳоясини Абдураҳмон отанинг ўғли Шуҳрат Ваҳобовдан эшитамиз:

– Отам 1985 йилда, 75 ёшда вафот этдилар. Хаста ётган ҳолда мени юзма-юз, узоқ суҳбатга тортдилар. Юқоридаги ҳикояни айтиб бердилар. Уни қандай айтган бўлсалар, ўшандай, сўзма-сўз қоғозга туширдик. Хотираларни айтиб бўлгач, ёстиқ остидан оқ сурпга ўралган китобни олиб қўлимга тутқазиб дедилар: “Мана шу китоб 1925 йилда чоп этилган. Ноёб нашр, арзанда нашр. Уни 47 йил мобайнида яширинча сақлаб келдим. Олтин ёмбини яширгандек сақладим. Ўзимдан бўлак бошқа бирор кишига кўрсатмадим, айтмадим ҳам. Аввал қўшсинч девор орасида, сўнгра қалбимда-юрагимда сақладим, асрадим. Ҳатто, Абдулла Қодирий оқлангач ҳам, уни ўзгаларнинг назар-нигоҳига раво кўрмадим. Биз бандалар ўтиб кетамиз, лекин бу китоб, бу рўмон ўлмайди...”

Отамдан қолган ушбу васият хотира ва “Ўткан кунлар” романининг адиб ҳаётининг сўнгги йилларида араб имлосида чоп этилган ушбу нусхаси ноёб илмий-амалий аҳамиятга эга, у ҳақдаги тарихий воқеани ўзим 75 ёшга тўлган куним – замон ўзгарди, ахир – одамларга ҳикоя қилиб бериш нияти туғилди. Мана, ниҳоят, ниятимга етдим...



“Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.”

Амир ТЕМУР

ТАЖРИБА

МАҚОМ КАПСУЛАСИ

Сўнгги йилларда дунёда руҳий саломатлик билан боғлиқ касалликлар сезиларли даражада ортиб бормоқда. Тадқиқотлар ер юзида бир миллиарддан ортиқ инсон турли руҳий саломатлик муаммолари билан яшамоқда, ҳар етти кишидан бири эса руҳий бузилишларга учраганини кўрсатмоқда.



Элдор ШЕРМАНОВ,
Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ректори, профессор

Айниқса, депрессия, хавотир, стресс ва уйқу бузилишлари энг кенг тарқалган касалликлар қаторига киради. Ковид пандемиясидан кейин бу ҳолат янада кучайиб, психолог, психиатрларга бўлган эҳтиёж кескин ошди. Мазкур ҳолат тиббиётда анъанавий даволаш усуллари билан бир қаторда, қўшимча, ноинвазив ва хавфсиз терапевтик ёндашувларга бўлган қизиқишни кучайтирди. Шулардан бири мусиқа терапияси бўлиб, у инсоннинг ҳиссий, когнитив ва ижтимоий ҳолатини яхшилашга қаратилган илмий асосланган даволаш усули ҳисобланади. Дунё тиббиётида мусиқага инсон руҳиятини даволовчи энг қадимий ва таъсирчан восита сифатида қаралмоқда. Бугунги кунда мусиқа терапияси АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Австралия, Канада ва бошқа кўплаб мамлакатлар шифохоналарида, реабилитация марказлари ва психиатрия клиникаларида амалиётга кенг жорий қилинган.

Шарқ Уйғониш даврининг буюк алломаларидан бири, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино ўзининг энциклопедик “Аш-Шифо” асарида мусиқани нафақат санъат, балки математика ва табиатшунослик билан боғлиқ илмий фан сифатида таҳлил қилади. Асарнинг мусиқага бағишланган қисмида товушнинг пайдо бўлиши, интерваллар, ритм, оҳанг ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири илмий асосда баён этилган. Олимнинг фикрича, мусиқанинг инсонга таъсири унинг овоз баландлиги, ритми ва оҳанглар уйғунлиги орқали намоён бўлади. У айрим куй ва ритмлар инсонда қувонч, хотиржамлик, тасалли ёки ғам каби турли ҳиссий ҳолатларни юзага келтиришини таъкидлайди. Шу сабабли, мусиқа инсоннинг руҳий мувозанатини тиклашга хизмат қилувчи восита саналади.

Замонавий тиббиёт нуқтаи назаридан қаралганда, мусиқа эшитиш жараёнида бир вақтнинг ўзида инсон миясининг бир нечта функционал соҳалари – эшитиш пўстлоғи, лимбик тизим, гиппокамп, префронтал пўстлоқ ва рағбат тизими фаоллашади. Натижада дофамин, серотонин ва эндорфин каби нейромедиаторлар ажралиши кучаяди, стресс гормони ҳисобланган кортизол даражаси эса пасайиши кузатилган. Шунинг учун ҳам яхши куй хотиржамлик, эмоционал барқарорлик ва ички тасалли ҳиссини юзага келтириши мумкин.

Биз тавсия этадиган Мақом капсуласи – бу дори шаклидаги дизайнга эга бўлган ва махсус тиббий-эстетик тарзда қадоқланган флешка кўринишидаги лойиҳадир. Унда ўзбек миллий мусиқа санъатининг энг ноёб ва дурдона асарлари йиғилган.

Миллий мусиқамизнинг юксак намуналаридан бири бўлган Шашмақом нафақат мусиқий мерос, балки инсон руҳиятига чуқур таъсир кўрсатувчи мураккаб психологик ва эстетик тизим сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг шаклланишида қадимги Шарқ мусиқа назарияси, тасаввуф фалсафаси, мақомшунослик ва табобат анъаналари ўзаро уйғунлашган. Шу боис, Шашмақомни инсоннинг ҳиссий, когнитив ва маънавий ҳолатига таъсир этувчи маданий мерос сифатида баҳолаш мумкин.

Шашмақомдаги ҳар бир мақом муайян эмоционал кайфиятни ифодалаш хусусиятига эга. Масалан, “Бузрук” мақоми тантанаворлик, маънавий юксалиш ва ички барқарорлик туйғусини уйғотиши билан тавсифланади. “Рост” мақоми мувозанат, ишонч ва хотиржамлик ҳиссини кучайтириши мумкин. “Наво” инсоннинг ички кечинмалари, меҳр-муҳаббат ва мулоҳаза ҳолатларини мусиқий ифода этади. “Дугоҳ” ва “Сегоҳ” эса нозик ҳиссий кечинмалар, руҳий покланиш ва таъсирчанлик билан боғлиқ, деб қаралади. “Ироқ” мақоми Шашмақом циклининг энг мураккаб ва фалсафий мазмунга бой қисмларидан бири ҳисобланади. Бу тавсифлар асосан мақомшунослик ва эстетика анъаналарига таянади; уларни клиник даволаш самараси сифатида эмас, балки эмоционал таъсир хусусияти сифатида баҳолаш лозим.

Тасаввуф таълимотида мусиқа инсон қалбини поклаш, диққатни жамлаш ва маънавий камолотга эришиш воситаларидан бири сифатида талқин қилинган. Мақом ижросидаги оҳанглар, шеърият ва ритмнинг уйғунлиги инсонни турмуш ташвишларидан маълум муддат чалғитиб, ички руҳий мувозанатни тиклашга хизмат қилади. Замонавий психологияда бундай ҳолат эмоционал регуляция, когнитив қайта йўналтириш сифатида изоҳланади.

Нейрофизиологик тадқиқотлар секин суръатли, мувозанатли ва такрорланувчи мусиқий композициялар юрак уриш тезлиги, нафас олиш ритми ҳамда автоном асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини қайд этади. Шашмақомнинг кўплаб қисмлари айнан шундай хусусиятларга эга бўлгани учун уни стрессни камайтириш, руҳий дам олиш ва психоэмоционал реабилитация дастурларида қўшимча восита сифатида ўрганиш истиқболли ҳисобланади.

Ҳозирги вақтгача Шашмақомнинг клиник жиҳатдан депрессия, хавотир ёки бошқа психик касалликларни мустақил даволашини исботлаган кенг қамровли илмий изланишлар мавжуд эмас. Бироқ жаҳон мусиқа терапияси бўйича олиб борилган кўплаб тадқиқотлар миллий ва анъанавий мусиқаларнинг эмоционал ҳолат, стресс ва ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатишини тасдиқлаган. Шу боис, ўзбек миллий мусиқа санъатининг дурдона асарлари ҳам миллий мусиқа терапиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш учун катта манба бўлиб хизмат қилади.

Биз тақдим этаётган йигирма иккита мусиқий асарни ўзида жойлаштирган Мақом капсуласи ҳам инсон руҳий ва психологик саломатлигига ижобий таъсир этувчи препарат сифатида тавсия этилган. Ушбу препаратнинг инсон онги ва тафаккурига таъсири Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институти профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари томонидан дастлабки илмий таҳлилга тортилган.

Йигирма иккита мақомнинг тингловчи онгига таъсири ва эшитилиш вақтини ўрганиб, бу санъат дурдоналарининг асаб тизимини яхшилаши, инсонга руҳий хотиржамлик бахш этиши, стрессни енгиллаштириши ва ҳиссий мувозанатни сақлашга ёрдам беришини аниқладик. Баъзи мақомлар тингловчига тасалли берса, баъзилари кўтаринки кайфият, ўзига хос рақсона характер ва маршона ғайрат бағишлаши туфайли инсон кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Айрим куйларнинг бир текисда алмашувчи ритмик фигураси қон-томир айланишини бироз тезлаштиради, мотивацияни оширади ва жисмоний машқлар пайтида кўрсаткичларни яхшилайди, ҳатто инсоннинг ақлий даражасини оширишга ёрдам беради. Масалан, “Қашқарчаи рок” ватанпарварлик ва руҳий тасалли туйғуларини уйғотиши илмий асосланган. “Эй, дилбари жононим” эса оддий тингловчи қалбида муҳаббат туйғусини жўшқинлантириб, бахт гармонини ишлаб чиқаради. Машҳур “Муножот”нинг тафаккурга чўмдириб, илоҳий ҳиссиётлар орқали инсон муножотини ифодалаб, қалбларни юмшатиши исботланди.

Ўзбек миллий санъати дурдоналари ва мақомларимиз инсон руҳиятига таъсир этувчи кўп қиррали мусиқий тизим бўлиб, унинг психологик таъсири эстетик идрок, эмоционал регуляция, нейрофизиологик реакциялар ва миллий-маънавий қадриятларнинг ўзаро таъсири орқали намоён бўлади. Ҳозирги кунда институтда ташкил этилган “Мусиқатерапия” илмий лабораториясида шунга ўхшаш барча миллий куй ва ашулаларимизнинг инсон онгига таъсири махсус невропатологлар иштирокида босқичма-босқич синовдан ўтказиб борилмоқда. Бу эса, албатта, келажакда миллий мусиқаларимизнинг терапевтик хусусиятларини тўлиқ ўрганиб, инсон руҳияти учун хақиқий шифобахш табиий дори воситаси сифатида кенг жамоатчиликка тавсия этишга тургки беради.



“Ўзбек халқининг улкан алломаси Юнус Ражабийнинг мусиқа санъати борасида қилган меҳнати, ҳеч бир муболағасиз, буюк устозлар меҳнати билан баробар туради.
Эркин ВОҲИДОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Юқори синф ўқувчилари бу қиссаларни қайта-қайта ўқир, бир-бирига сўзлаб берарди. Эрта-индин олий ўқув юртига кириш орзусида юрган ёшлар учун Муқаддас билан Шарифнинг тақдири жуда қизиқарли эди. Ўқишга кириш жараёнидаги адолатсизликлар, Шарифнинг унга қарши туриши ёш қалбларни ларзага солар, “наҳотки, шунақа бўлса” деган ўйга толдирарди. Бошқача айтганда, улар Муқаддас билан Шарифнинг ташвишларини ўз ташвиши каби қабул қилар, севгисига ҳавасда эди.

Одил Ёқубов деган ёзувчини ана шундай ўтли, ҳароратли асарлар орқали таниган эдик. Шундан сўнг “Бир фельетон қиссаси”, “Қанот жуфт бўлади”, “Биллур қандиллар” қиссаларини, бир неча ҳикояларини, “Эр бошига иш тушса...” романини ўқидим. Уларни ўқиганим сари ёзувчининг ўзини кўриш, суҳбатлашиш иштиёқи кучайиб бораверди...

1982 йилда Одил Ёқубов “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. Мен бу пайтда таҳририятда масъул котиб бўлиб ишлардим. 1989 йилгача, яъни, Одил ака Ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайлангунча бирга ишладик. Шу йиллар давомида бир пайтлар мен учун қўл етмас чўққи бўлиб туюлган машҳур ёзувчини кашф этдим. Кашф этганим шу бўлдики, Одил Ёқубов ҳам ўзимизга ўхшаган оддий, бир қарасанг содда, бир қарасанг бағрикенг, кўнгли юмшоқ, бир қарасанг қаттиққўл, умуман олганда, ғоят беғубор, бир инсон учун зарур бўлган барча хислатларни ўзида жамлаган дарёдил, улуғ инсон экан. У киши ишонувчан эди, ўзининг кўнгли тоза, бегидир бўлгани учун бошқаларни ҳам шундай деб ўйларди. Ҳамма ҳам шундай эмаслигини биларди, аммо бунга кўп эътибор бермас эди.

Тан олиб айтиш керак, Одил ака газетани ўқишли қилиш, оммавийлигини ошириш учун бутун куч-қобилиятини ишга солди. Газетанинг тили ўткир бўлди. Жамиятнинг долзарб масалалари, одамларни қийнаётган муаммолар дадил кўтарилди. Энг асосийси, газета кўтарган муаммолар изсиз кетмади, уларнинг ечими топилмагунча таҳририят эътиборидан тушмади. “Расмий жавоб” деган рукн ташкил этилиб, муаммоли мақолаларга тегишли вазирлик ва идораларнинг расмий жавобларини бериб бориш йўлга қўйилди. Газетанинг адади бир миллионга яқинлашди. Одамлар газетани излаб ўқийдиган бўлди.

Одил Ёқубов газетага келгунча нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Иттифоқда, бир қатор хорижий давлатларда таниқли ёзувчи эди. Зеро, адибнинг бир неча асарлари, хусусан, “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Кўҳна дунё” романлари кўплаб тилларга таржима қилинган, китоб ҳолида нашр қилинган эди. Шунга қарамай, Одил ака дабдабавозликни хушламас, оддийликни яхши кўрарди. Юриш-туриши, турмуш тарзи ҳам шундай эди. Ҳолбуки, ҳар қанча ҳашамга у кишининг имконияти етарли эди. Бунинг устига, Одил аканинг тўртала ўғли ҳам тузуккина жойларда ишларди. Одил аканинг битта “камчилиги” бор эди – танқидни унча кўтаролмас, қони қайнаб кетарди.

Бундай ҳолатни газета ҳақида танқидий фикр айтилганда ҳам сезганман. Ёзувчилар уюшмасида бўладиган йиғилишларда ёки бошқа бирон жойда, газета ҳақида озгина бўлса-да, танқид билдирилса, “аввал ўзлари шундай газета чиқариб қўйсин, кейин гапирсин”, дерди. Жаҳли чиққани юз-кўзидан билиниб турарди...

Одил ака бош муҳаррир сифатида газета позициясини қаттиқ ҳимоя қиларди. Бир куни Одил аканинг хонасида эдик, ҳукумат телефони жиринглади. Одил ака гўшакни кўтариб, салом берди ва Фалончи Пистончиевна яхшимисиз, деб ҳол-аҳвол сўради. Қўнғироқ қилган томондан жўяли гап бўлмади чоғи, Одил аканинг ранг-рўйи, гапириш оҳанги ҳам ўзгара бошлади. Гўшакка худди олдида бир одам ўтирипти-ю, шунга заҳрини сочгандай гапирди: “Нима бўпти шунга? Бунинг нимаси ёмон? Нимаси нотўғри?..” Гўшакдаги овоз баландроқ эшитила бошланди. Одил ака у деди, бу деди, аммо суҳбатдошининг овози тинмасди. Бир маҳал Одил ака: “Э, менга қаранг, билганингизни қилинг, осмон қўлингизда бўлса, ташлаб юборинг”, деди-да, “шарақ” этказиб гўшакни қўйди. Аслида, гўшакни қўйди эмас, телефон аппаратига урди, десам, тўғрироқ бўлади. Ўрнидан туриб, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Мен нима дейишни, нима қилишни билмайман.

“– Кунимиз кимларга қолди, а?!” Менга гапирдими, ўзига ўзи гапирдими – билмадим.

Ўша йиллари оддий ходимдан тортиб бўлим мудирлари, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари ва бош муҳарриргача – барчага тинмай қўнғироқ қилаверадиган, менинг ижодимни қачон чиқарасизлар, деб сўрайверадиган муаллифлар бўларди. Шундай муаллифлардан бири Одил Ёқубовга таниш эканми ёки кимдир тавсия қилганми, бир мақола (аслида, мақола деб ҳам бўлмасди) берибди. Одил ака мени чақириб, шуни бир нарса қилинглар, газетани бирон жойига қўйиб юборинг, деди. Ўқиб кўриб, энсам қотди. “Бир нарса қилиш” қийин эди. Ишлаб, эпақага келтириш учун қайси ходимга беришни ўйлаб, бир қарорга кела олмадим. Биламанки, бунга ҳеч ким рози бўлмайди. Эртаси куни Одил аканинг олдига кирдим.

– Буни ҳеч нарса қилиб бўлмайди, – дедим.

Бош муҳаррирнинг пешонаси тиришди.

– Шуни мен билмайманми? – деди. – Шунинг учун бир нарса қилинглар, дедим-да. Саъдуллагами, Яқибжангами беринг, лавилунжини тўғриласин. Шу қисталоқдан мени қутқаринглар.

Шундай талабчан одам, ўзининг ибораси билан айтганда, баъзан “уступка”га борарди. Ҳозир аниқ эсимда йўқ, ўша нарсани Ёқубжон Хўжамбердиевми, Саъдулла Ҳакимми “бир нарса қилди”. Кейин мен кўрдим. Охири, ўша нарса газетада чиқди. Одил ака ҳам сўрамай қўйди... “Худога шукур, қутулдик шу хира пашшадан”, деб хурсанд бўлиб юрдим. Хурсандлигим узоққа бормади. Бир куни котиба ҳовлиқиб хонамга кирди.

– Тез юринг, Одил ака сизни сўраяпти. Жуда дарғазаб, – деди.

Ҳайрон бўлдим. Нима бўлди экан, тинчликмикан? Минг бир хаёл билан бош муҳаррир хонасига кирдим. Чиндан ҳам Одил ака ғазаб отига минган, икки қўлини орқасига қилиб, асабий ҳолда у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган эди. Киришим билан салом йўқ, алик йўқ, заҳрини сочди.

– Қанақа одамсиз ўзи?! Нега мени ноқулай аҳволда қолдирасиз? – деди.

Мен ҳеч нарсага тушунмадим. Бош муҳаррир қўлини пахса қилди:

– Анави қисталоқ мақоламни бермаяпти, деб юқорига шикоят қипти. Ҳозир манови телефондан (ҳукумат телефонини кўрсатди) қўнғироқ бўлди, – кейин менга яқинроқ келди-да, овозини пасайтириб, аммо алам билан гапирди. – Шулар олдида юзим шувит бўлишини истайсизми?

– Одил ака, қайси материални айтяпсиз ўзи? – дедим.

– Нимага гарангсирайсиз, ўша хира пашшани айтяпман. Отиям эсимда йўқ. Бир ой бўлди-ку, унинг нарсасини сизга берганимга.

– Ахир, у мақола чиқиб кетди-ку, – дедим.

Одил ака хона ўртасида таққа тўхтади.

– Чиқди?! Қачон?

АДОЛАТЛИ адиб



– Икки сон олдин, – дедим ва бош муҳаррир хонасидаги узун столда турадиган газета тахламларини варақлаб, ўша “шедевр”-ни кўрсатдим. Одил ака бир зум жим қолди. Назаримда, ичида ўша хира муаллифни, унга қўшиб боя кўрсатган телефондан қўнғироқ қилган одамни сўкаётган эди.

– А, бу қисталоқ, ҳар томонга шикоят қилгандан кўра, газет ўқиса бўлмайдими?

Бу саволга менда жавоб йўқ эди, албатта. Унинг ўрнига бошқа гап айтдим.

– У-ку, ўқимас экан, анавилар-чи, улар ҳам ўқимайдими? – дедим Одил аканинг асабини бузган телефонга ишора қилиб.

Бош муҳаррирнинг баттар энсаси қотди. Нордон нарса чайнагандай афти буришди. Ўзига ўзи гапирган каби шивирлади:

– Сизам ҳалиям ёш бола экансиз-да. Улар ўқувчи эмас, буйруқчи. Билдингизми? – Бироз хотиржам бўлди. – Бўлди, боринг ишингизни қилинг, – деди-да, креслосига ўтирди. Эшикдан чиқаётиб кўзим тушди: асабини бузган телефонга қўл чўзди.

...Одил Ёқубов ҳақида гап кетганда, яна бир воқеани алоҳида қайд этишни истардим. Чунки бу воқеа хусусида турлича фикрлар билдирилиб, ҳар хил талқин қилиш ҳоллари учрамоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, Одил ака бош муҳаррир бўлганидан кейин газета саҳифаларида турли мавзуда долзарб масалалар кўтарила бошланди, баҳс-мунозаралар кенг ўрин олди. Шундай мунозаралардан бири қўшиқчилик санъатига бағишланди. Ана шу баҳс-мунозарада қатнашган шоира Муҳтарама Улуғова бир неча ашулалар матнини танқид қилган. Улар орасида Шароф Рашидовнинг ҳам бир шеъри бор экан. Табиийки, уни на мақола муаллифи, на тайёрлаган ходим, на муҳаррир билган. Газета чиққандан кейин бошланди тўполон. Кимдир билиб қопти. Марказкомдаги ходимлардан бири Одил акага қўнғироқ қилиб, бу мақолани ким буюрган, ким таҳрир қилган, ким босмахонага туширган... хуллас, ҳамма жараённи кўрсатувчи қоғозларни сўраган. Ҳар куни ваҳима. Бугун уни чақирган, эртаси куни бошқани чақирган. Қисқаси, ишда ҳам, уйда ҳам ҳаловат йўқ. Ҳамма асабий, бир-биридан чўчийди гўё. Таҳририят бузилган ари уясидай бўлиб қолди. Бундай вазият чамаси бир ҳафталар давом этди.

Бир куни Одил акага бир фикрни айтдик. “Одил ака, жуда қийналиб кетдик-ку, жазо берса берсин, бўшатадими, бошқа қиладими, майли, нима қилсаям бир ёқли бўлсин, бу аҳвол қачонгача давом этади?” Одил ака нима қилиш керак, дегандай юзланди. “Менимча, ўзларининг олдига чиқиш керак”, дедим. Одил ака аввалига иккиланди. Кейин Шароф Рашидов қабулига борадиган бўлди. Ўша кезлар “Дил амри” қиссаси ҳақида Ҳафиз Абдусаматовнинг мақоласи босилган эди. Шу газетадан бир нусха олиб, Шароф Рашидов қабулига кетди. Бутун жамоа қўрқув ва ҳаяжон билан кутиб ўтирдик. “Одил ака келди, – деди Нафиса опа, – сизни чақиряпти”. Кирсам, креслога ястаниб ўтирипти. Одатда, кайфияти яхши бўлса, шундай ўтирарди. Сездимки, ишлар жойида. Тафсилотини билишга қизиқдим, мен ҳам жабрдийдалардан бириман-да. Одил ака гап бошлади:

– Ҳаммаси пастдаги ходимларнинг ваҳимаси экан. Шароф Рашидовичнинг хабари ҳам йўқ экан. Мен минг истиҳола билан “Шароф Рашидович, кечирасиз, билмай қопмиз, болалар ёшлик қипти”, дедим. У киши ҳеч нарсага тушунмагандай ҳайрон бўлиб турди. Мен яна қайтардим ва яна узр сўрадим. Шунда Шароф Рашидович: “Одилжон, мен ҳеч нарсани тушунмаяпман. Нимани айтаяпсиз, нима учун узр сўраяпсиз?” – деди. Мен бўлган воқеани айтдим. Шунда у киши кулиб юборди. Одатда, Шароф Рашидович камдан-кам кулади. Сўнгра: “Э, Одилжон, шунга ташвиш чекиб юрибсизми? Ёзувчиларнинг газетаси мени ҳам ёзувчилар қаторида кўриб, танқид қилган бўлса, нима бўпти? Ундан кейин, у шеър уруш йиллари ёзилган, хомроқ бўлиши мумкин. Ўзимнинг ҳам эсимдан чиқиб кетган. Ҳозир ҳам ашула қилиб айтишарканми? Сиз ташвиш чекманг, бирон ходимингизга жазо ҳам берманг. Менинг бошқа асарим тўғрисида ҳам танқидий фикрлар бўлса, газетангизда бераверинг... Бориб жамоангизга шу гапларни айтинг”, деди.

Одил ака яна ҳам яхшироқ ястаниб олди. Назаримда, қаноти бўлса, учиб кетгудек эди. Шундан кейин бу масалага нуқта қўйилди. Таҳририятда иш яна ўз маромида давом этди. Газетада олдингидан-да ўткирроқ материаллар берила бошланди.

Шундай халқпарвар, адолатли, диёнатли раҳбар, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан бирга ишлаганимдан фахрланаман. У кишининг китобларини, айниқса, ўзи дастхат ёзиб берган кўп жилдлигини бот-бот ўқиб тураман. Ва ҳар гал китобини варақлаганимда, ўзига хос талаффузга эга товушини эшитгандай бўламан...

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

РАССОМ ФИКРЛАШИ КЕРАК



Бошланиши 1-саҳифада.

– Суҳбатни бир воқеадан бошласак. Бир куни ўринбосарим Фарҳод Эминовични кўргани стационарга бордим. Ўша ерда буюк шоиримиз Абдулла Орипов билан учрашиб қолдик. Абдулла ака: “Сизга битта гапим бор. Халқ сизни ижодкор сифатида билади, ҳурмат қилади. Қанақа ҳолатда бўлманг, барибир, бир умр ижодкорлигингизни сақлаб қолишингиз керак. Қолгани… энди ёлғончи дунё”, деди. Шу пайт кимдир орқамдан келиб, елкамга қоқиб, “Абдулла акангиз ҳақиқатни гапиряпти, қулоқ солинг. Мен ўн кундан бери ётибман, лекин бирор мухлис телефонда ҳам хабар олмади”, деди. Бу Шуҳрат Аббосов эди. Балки ўша йиллари кўргазмаларим тўхтаб қолганига ишора қилишгандир. Шундан буён ижодкор бўлиб қолиш ҳаракатидаман.

Аммо бу дегани масъул вазифалардан узлатга чекиниш, дунёга этак силкиш деган гап эмас. Умуман олганда, ижод ва давлат хизматини бир-бирига зид қўйиш ярамайди. Берунийдай даҳолар ҳам ҳукмдорлар қошига нон сўраб бормаган, у саройда бўлиб, хазинадан илм-фан учун, раият фаровонлиги учун кўпроқ улушлар ажратилишида жон куйдирган. Ҳазрат Навоийнинг мол-дунёси ўзига етмасмиди? Ҳусайн Мирзонинг Ҳақ ва халқ қошида манзур бўлишида алломанинг бемисл заковати ҳал қилувчи рол ўйнаган. Жадидлар ҳам оромию қанчадан-қанча ижодий режаларидан кечиб, Туркистон халқига енгиллик истаб, давлат хизматига кирган.

Менинг ҳам зиммамда давлатимиз томонидан ишониб топширилган вазифа бор. Уни виждонан бажариш керак. Энди бу ҳар бир одамнинг, ҳар бир фуқаронинг бурчи. Бадиий академиямизда ижодий муҳит ҳукмрон. Сиз айтган эркинлик кайфияти устувор. Иш жараёнида самимият биринчи ўринда туради. “Курсига ўтириб ўзгариб қолди”, дейишади кўтарилган одамни кўриб. Аслида, унинг олдида турган муаммолар аввалгидай яшашга қўймайди. Менинг бир ҳақиқатим бор: мендан олдингилар кетди, бир кун мен ҳам кабинетни бўшатаман; ўшанда ҳам бир жойдан туз тотганлар билан уялмасдан сўрашишни хоҳлайман. Бировга озор бергим, айниқса, ижодкорларнинг кўнглини хира қилгим келмайди. Қўлимдан келса ёрдам бераман, қўлимдан келмаса, халақит бермайман. Шундай ишлаб келяпмиз.

Шу билан бирга, кўнгилнинг ҳам ўз “топшириқ”лари бор. Уларни ёлғиз қолганда, устахонада оқ матонинг олдида “ижро этасиз”. Оқликка термилганда, минг бир хил ранг жилоланади. Бу – тахайюл. У ерда қанчадан-қанча воқеалар бўлади. Ўзингиз хоҳлаганингиздек яшайсиз. Яна нима керак? Мен бундан бахтлиман. Кимдир муҳит яратиб беришини кутиш керак эмас, уни ўзингиз вужудга келтиришингиз лозим. Ижод эркинлиги, ижодий муҳит, аввало, дунёқарашга боғлиқ. Қарашлар эса, табиийки, хилма-хил. Уларни бир қолипга соламан десангиз, катта хато бўлади.

– Ижодкорлик ҳақида улуғ устозларнинг ибратли фикрларини айтдингиз. Демак, истеъдод туғма бўлса ҳам, у билан шуғулланилмаса, йўқолиб қолиши ёки издан чиқиши мумкин экан-да.

– Тарбияланмаган талантни ўзани йўқ дарёга ўхшатаман. У музликлардан тўйиниб, пишқириб пастга интилади-да, ҳар томонга тармоқлаб на одамга, на табиатга фойда келтирмай, қумликларга сингиб кетади. Истеъдодни сайқалловчи энг муҳим омил – мутолаа. Мен аслида адабиёт ўқитувчиси бўлишни ният қилгандим. Бадиий асарларни севиб ўқийман. Ҳозир ҳам имкон топишим билан шоир-ёзувчиларимизнинг янги китобларини варақлашга тушаман. Севимли адибим – Чингиз Айтматов. Чингиз оға бир неча марта устахонамга ташриф буюрган, кўп суҳбатини олганман. Мен бахтли одамман, шундай инсонлар билан кўришиш насиб қилган.

Талабаликнинг биринчи йилида устозимиз, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Муҳаммад Нуриддинов Айтматов асарлари асосида композиция яратишни топширган. Бу тўғри йўналиш экан, энди ўйласам. Ҳозир ҳам институтда шуни йўлга қўйиш керак. Шу орқали бўлажак санъат вакилларининг китоб ўқишга рағбатини оширамиз. Яна санъат ва маданият йўналишлари учун олий таълимга кириш имтиҳонларига иншони қайтариш керак назаримда. Рассом фикрлаши керак. У кўзи билан эмас, кўнгли билан, тафаккури билан ишлайди, ишлаши керак.

Истеъдоднинг яна бир таянчи – миллий ва жаҳон ўтмишидан, санъат тарихидан бохабарлик. Ёшлар бизнинг олийгоҳларимизга қадам қўяр экан, халқимиз, давлатчилигимиз тарихини билиши, ўзбек санъатининг илдизларини теран ҳис қилиши керак. Билганда ҳам тест учун рақамларни ёдлаб олиш эмас, тарихдан бугун ва келажак учун керакли хулосаларни ажратиб олиши, асарларида ана шуларни ифодалаши лозим.

Илмсиз истеъдоднинг нури чақмайман, лекин бор гапни айтиш керак. Ўзбекистон Бадиий академиясининг шарт-шароитлари минтақада ҳам, ТДТ, МДҲга аъзо давлатлар ичида ҳам энг яхшиларидан бири эканидан ғурурланаман. Хизмат сафарларида қатор мамлакатлардаги ҳолатга гувоҳ бўлганман. Бизда санъат ва санъат вакиллари давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Хорижий конференциялардан бирида рассомлар уюшмаси раислари тўпланган дик. Ўшанда биздаги ҳолатни тушунтириб берсам, ишонишмаяпти. “Марҳамат, Тошкентга келинг, ўзингиз кўрасиз”, дедим.

Биласизми, Ғарбда санъат аҳлига зодагон оилалар ҳомийлик қилган, масалан, Медичилар. Шарқда эса бу ғамхўрлик ҳукмдорларда аксини топган, Буюк Темурийлар салтанати бунинг мисоли. Янги Ўзбекистонда санъат вакилларига айнан давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Биз сўнгги йилларда чинакамига академия деган салоҳиятга эга бўлдик. Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил қилинган 1997 йилда биноси кўрсатилмаган эди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан муҳташам ва хос бино Бадиий академияга берилди. Уни реконструкция қилиш учун маблағ ҳам ажратилди. Бу, биринчиси. Иккинчидан, тасвирий ва халқ амалий санъатини ривожлантириш борасида Президентимизнинг қатор қарорлари имзоланди. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари чиқди.

Бизга ишонч билдирилдими, бу ёғига ўзимиз тортиб кетишимиз керак. Асосий вазифаларимиздан бири: халқимизнинг этик ва эстетик дидини шакллантириш. Достоевскийнинг қаҳрамони таъбири билан айтганда, дунёни гўзаллик қутқаради.

– Бадиий академияни қийнаётган, у ҳал қилиши керак бўлган қандай масалалар бор?

– Бизда ўзгартириш керак бўлган, ечимини кутаётган муаммолар таълим билан боғлиқ. Юртимиздаги барча олий таълим муассасалари учун чиқарилган қарорлар ижодий олийгоҳларга тўғри келавермайди. Бизда стажёрлик курси бор. Унга танлов асосида ўн нафар талабгорни икки йилда бир марта қабул қиламиз. Лекин улар, албатта, магистратурани битирган бўлиши керак. Шу ерда, бакалаврни битирган олий эмасми, деган савол пайдо бўлади. Шу боис, олий таълим тасвирий санъатда олти йил, амалий санъатда беш йил бўлиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

– Бугун миллий санъатимизда жадидлар мавзусига эътибор қандай?

– Бу мавзуни муҳтарам Президентимизнинг сиёсий иродаси ва жадидлар меросига бўлган юксак эҳтиромини эътироф этмай бошлай олмаймиз. Сўнгги йилларда Туркистондаги маърифатпарварлик ҳаракати илмий жиҳатдан чуқур ўрганила бошланди. Шу билан бирга, адабиёт, кино, мусиқа, тасвирий санъат, ҳайкалтарошликда айни мавзуда қатор асарлар дунё юзини кўрди, улар ўз мухлисларини топиб ҳам улгурди. Бу фақат давлат буюртмаси билан бўладиган иш эмас. Мазкур ҳаракат моҳияти кенг ва холис очиб берилгач, ижодкорларнинг ўзи илҳом билан ишга киришиб кетди.

Жадид намояндалари, хусусан, Абдулла Қодирийга бир неча ҳайкаллар яратилди. Мисол учун, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ҳовлисидаги адиб ҳайкали ёш ҳайкалтарош Баҳром Норбоевнинг ижод маҳсули. Жуда чиройли асар.

– Адабиёт ва санъатнинг ўқ илдизи муҳаббат заминида ниш урган, дейишади. Бугунги глобаллашув даврида одамзоднинг энг буюк туйғуси саналган ишқ арзон-гаров ҳавас, мазах ва баландпарвозлик нишонига айланиб қолмаяптими? Рассом сифатида бунга қандай қарайсиз?

– Оғриқли савол. Ижодимда севги асосий мавзу ҳисобланади. Шунинг учун қарийб эллик йилдан буён бу туйғунинг авлодлар қалбидаги эврилишини кузатаман.

Бир пайтлар қизларга “Сиз менга ёқасиз” ёки “Мен сизни севаман!” дейиш, биласизми, қанчалик мушкул эди? Бунинг учун ошиқлар ойлаб тараддудда юрарди. Изҳори дилга восита излаб нималар ўйлаб топилмаган, дейсиз. Жараённинг ўзи қанчалик гўзал эди. Бу шарқу ғарбни танлаб ўтирмасди. Башарият ана шу пок туйғудан баҳраманд бўлиб, Ер юзини янги авлодлар учун обод этарди. Узоққа бормайлик, ўзимиз нима қилар эдик? Хат ёзардик. Сатрларни ўн марталаб ўчирардик, битта сўз мундайроқ бўлиб қолса ҳам йиртиб ташлардик. Яна ҳаммаси бошидан бошланарди. Тайёр мактубни оғайнимиз билан велосипедда ўша қизнинг деворидан отиб қочардик. Биров кўриб қолишидан уялардик. Агар қиз розилик билдирса, рўмолча ёки бирор нарсасини совға қиларди. Орномус кучли эди. Бу гўзал эмасми? Бу ҳис-туйғулар бокира эди, соф эди. Биз князь Мишкиннинг гапини эсладик. Иброҳим Ғафуров бутун бошли китобини “Ҳаё – халоскор” деб номлаган. Мана бу – ўзбек характери.

Буни киноларда ҳам, тасвирий санъатда ҳам, бадиий адабиётда ҳам ишлатса бўлади. Менинг илҳомим шу сарчашмалардан сув ичган. Чунки ишимни кўрадиганлар агар қалбида ўша ҳис-туйғуларни аллақачон кўмиб ташлаган бўлса, қайталаб уйғотсин. “Севаман” деган сўзни айта олсин. Юраги ишққа мубтало бўлсин. Биласизми, севган ва севилган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Уларнинг хаёлида чиройли орзулар яшайди.

Энг гўзал давр ҳам йигит билан қизнинг бир-бирига бўлган изҳор даври. Мен кўпроқ ўша лаҳзаларни ишлашни яхши кўраман.

– Кўнгил оламига сайр учун раҳмат. Мана шу кайфият энди байрамларга уланиб кетади. Яқинда Мустақиллик кунини нишонлаймиз. Юртдошларимизга дил изҳорларингиз бўлса, марҳамат.

– Биз жадидлар кутган, шунинг учун курашган даврда яшаяпмиз. Истиқлол даврида, хусусан, охирги ўн йилликда кўп нарсага эришдик. Фикрлашимиз ўзгарди, дунёни таний бошладик, қолаверса, дунё бизни таний бошлади. Мустақиллигимизга кўз тегмасин. Фарзандларимиз, шогирдларимиз мустақил Ўзбекистоннинг байроғини дунё саҳналарида баланд кўтаришсин. Мана шу юртда яшаганимизга шукроналар билдирайлик. Қолаверса, давлатнинг келажаги учун бефарқ бўлмайлик.

– Мустақиллик даври миллий тасвирий санъатини Сизнинг асарларингизсиз тасаввур қилолмаймиз. Келгусида ҳам Янги Ўзбекистонни, Уйғонишни абадиятга муҳрловчи асарлар яратишингизга тилакдошмиз. Самимий суҳбат учун ташаккур!

Зарнигор ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.



ЖАҲОН АЙВОНИДА

ДАВЛАТ ҚАРЗИ ОШДИ



АҚШ давлат қарзи тарихда илк бор 40 триллион доллардан ошиб, рекорд ўрнатди. Бу ҳақда мамлакат Молия вазирлигига таяниб, “BBC” хабар берди.

Давлат қарзининг умумий қиймати 40 триллион 47 миллиард долларни ташкил этган. Шундан хусусий инвесторлар, аҳоли ва ташкилотлар олдидаги қарз 32 триллион 265 миллиард доллардан ортиқни, ҳукуматлараро (давлат жамғармалари ва тузилмалари ўртасидаги)ички қарз мажбуриятлари эса 7 триллион 781 миллиард доллардан ортиқни ташкил этмоқда.

“ҚАҚШАТҚИЧ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАЦИЯ”

АҚШ президенти Дональд Трамп “Эронга ҳар қандай тарзда ёрдам кўрсатган” давлатларга “иқтисодий оқибат” билан таҳдид қилди.



Шу билан бирга, у Эронга қарши “энг қақшатқич иқтисодий операция” бошланганини эълон қилган. Трамп бу ҳақда ўзининг “Truth Social” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида ёзган.

ОЛТИН ҲАЙКАЛЛАР



Шри-Ланка археологлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектда 17 та олтин билан қопланган Будда ҳайкалини қазиб олди.

Мазкур жой бундан 2 минг йил олдин ибодатхона бўлгани тахмин қилинади. Бу ҳақда “The Straits Times” хабар берди.

Камёб топилма қадимий пойтахт — Анурадҳапурада жойлашган Абҳаягири ибодатхонаси мажмуасида ўтказилган қазишмалар пайтида топилган.

ОШ ТОТИҒИ ТУЗ БИЛАН

Ҳиндистоннинг Бихар штатидаги Парса ўрта мактабида ўқувчиларга туз ўрнига кир ювиш воситаси солинган таом берилгани айтилиб, 34 нафар бола шифохонага ётқизилди. Бу ҳақда “The Independent” хабар берди.

Хабарларга кўра, ўқувчиларга тушликда гуруч ҳамда картошка ва соя маҳсулотидан тайёрланган таом берилган. Айрим болалар овқатда туз етишмаётганидан шикоят қилган. Шундан сўнг уларга туз



ўрнига адашиб кир ювиш кукуни берилгани айтилмоқда.

ОЛТИН ОСТИДА ЎЛИМ

Камерундаги олтин конида юз берган ўпирилиш оқибатида 107 киши ҳалок бўлди. Ҳодиса жойида қидирув-қутқарув операцияси давом этмоқда. Бу ҳақда маҳаллий аҳолига таяниб, “Cameroun24” хабар берди.



Қайд этилишича, ўпирилиш Камерун шарқидаги Замбуа аҳоли пунктида жойлашган олтин қазиб олиш ҳавзасида содир бўлган. Қутқарувчилар вайроналар ва тупроқ остидан 100 дан ортиқ жасадни олиб чиққан.

ҚАБОҲАТ

ВАҲШАТ

Тўқсон йил аввал советлар ўз фуқароларига нисбатан ўтказган ва тарихга “катта террор” номи билан кирган қатағоннинг сурати ва сийратидан қай даражада хабардормиз? Эшитганларимиз, ўқиганларимиз аксари зудлик билан ясалган “жиноий иш”лар, қисқа, бир ёқлама тергов баённомалари ва “учлик” беш-ўн дақиқада чиқарган ҳукмлар, ва ниҳоясида даҳшатли қотилликка илова шаклида “шўрпахта” ўрнида босилган ярим варақлик “оқлов”лардан иборат. Яна ҳар бир ҳудуддан неча нафар киши отилгани, неча нафари “ўн йил ёзишмаслик шарти билан” иттопмас жойлардаги ҳибсхоналарга юборилгани ва бахтли тасодиф туфайли уларнинг айримлари юртига қайтиб келгани (озод қилингач ҳам, ўлгунича назорат остида бўлгани) ҳақидаги рақамлар.



Тергов баённомалари, ҳукмлар ва оқлов қоғозлари давр сиёсатига мос ва хос услубда бир хил қолипда тузилгани, ёзилгани ўқувчига ўша даврда рўй берган улкан фожиа кўламини кўрсатиб бера олмайди. Отилганлар гапира олмагани каби гувоҳлар ҳам сукутга кетган. Шу жараёнда яқинлари ва ҳатто умрида бирор марта кўрмаган одамларга туҳмат қилганлар, яъни, сотилганлар, мозорга киргунча тилларининг етти жойига қулф уришга мажбур бўлгани мавзу ўзанини боши берк кўчаларга олиб кетади – сомон уюми орасидан игна излашдек гап. Аммо... Машҳур ёзувчи Ф.Куперниng “Қўрқув ақллиларни тентак, кучлиларни ожиз қилади”, деган фикрида жон борми, деган гумонда саноқли гувоҳлар кўрсатмаларига суянган ҳолда, ваҳшат синиқларини минг машаққат билан тўплаб, бугунги ва келгуси авлодга етказиш мажбуриятини елкамизга оламиз.

Хоразм вилоят театрининг моҳир созандаси, мақом билимдони Матолмай, 1939 йили Урганч ҳибсхонасида жон таслим қилади. Ваҳший терговчилар “айбига иқрор бўлиши учун” аввал созанданинг тирноқларини суғуриб олган, сўнг бармоқларини синдирган, “Энди бу ердан тирик чиқолсанг ҳам, ҳеч қачон мақом чала олмайсан. Сенга ўша худойинг ҳам ёрдам бера олмайди”, деб устидан кулган.

Қатағон авжига чиққан даврда Хоразмда “Айнак” лақабли рус зобити НКВД бошлиғи бўлган. “Айнак” форсий сўз бўлиб, бир кўзли дурбин дегани. Маълумки, ўша вақтда ҳар куни тепадан неча киши қамалиши ва нечаси отилиши бўйича режа-топшириқ берилган. Бир куни тепадаги бошлиқларга яхши кўрингиси келган, унвони ошишини истаган ўша кимса телефонда тепадаги хўжайинларига: “Нега ҳибсга олинадиган одамлар сонини Самарқанддан камроқ берасиз? Бизларнинг улардан кам жойимиз борми?” деб норози бўлади. Тепадаги раҳбари шуни кутиб ўтиргандай, “кунлик режа”га яна бир юз эллик кишини қўшиб беради. “Айнак” “қўшимча режани” зудлик билан бажариш учун Гурлан тумани НКВД бошлиғига “етмиш бешлик” режа юклайди. Вақт анча кеч бўлгани сабабли, Гурлан НКВД бошлиғининг боши қотади – юз эллик кишини қайдан топсин? Шунда ходимларидан бири: “Бугун Боғолонда қишлоқ кенгаши сайлови бор. Режага етарли одам бир жойда таптайёр!” дейди. Бу гап жонига ора кирган бошлиқ ёнига икки қуролли ходимини олиб Боғолонга келганида, сайлов якунланаётган бўлади. НКВД бошлиғи янги сайланган қишлоқ кенгаши раисига: “Залда ўтирган илғорлардан етмиш беш кишини рўйхат қил! Уларни туманга олиб кетамиз, бошлиқлар мукофот бермоқчи”, дейди. Рўйхат тузилиб, ўқиб бўлингач, залда норозилик бошланади: “Нега фалончи боради, мен ундан кам ишлаяпманми?”, “Фалончи аравакаш уч кун касалланиб ишга чиқмади, унинг ўрнига мен ишладим. Мукофотни энди у оладими?” Қишлоқ кенгаши раиси: “Қолганларга ҳам навбат келади”, деб зўрға тинчитади. Рўйхатга киргизилган ўн беш чақирим узоқликдаги Беговот чўлига пойи-пиёда олиб борилади ва чала-чулпа ҳукм ўқиб, отиб ташланади.

Хонқанинг Мадир қишлоғида кечқурун йиғилиш бўлаётган вақтда залга қуролли ходимлар бостириб киради, хонанинг барча дераза ва ойналарини ташқаридан михлашади. Нима гаплигини билмаган одамлар ярим тунгача қўрқув билан қоронғи залда тақдирларини кутиб ўтиради. Тунги соат учларда “Бугун режа бажарилибди, уйларингга тарқалинглар!” деган буйруқдан сўнг ҳамма оёғини қўлига олиб ташқарига чопади. Ичкарида қўрқувдан юраги ёрилган икки одамнинг жасади қолади. Бу даҳшатли воқеани кекса педагог Нурулла ака ошкоралик замонида сўзлаб берганди. У ўша вақтда ўн бир ёшда бўлган, қизиқувчанлигидан отасига эргашиб машъум мажлисга борган экан.

Мана бу воқеа бизнинг қишлоқда бўлган. Кечқурун колхоз идорасида фаоллар йиғилиши бўлаётган вақтда бир ходим “полутарка” машинасида келиб, “Ўн беш фаолни тумандаги йиғилишга олиб боришим керак!” деб машинага миндирган. Шу ердан тасодифан ўтиб бораётган ўн уч яшар ўсмир, умрида машинага миниб кўрмагани ҳавасидан, бошқаларга қўшилиб кузовга чиқиб олган. НКВД ходими қоронғида уни ҳам “ўн беш маҳкум” қаторида санаган. Йўлда кетаётганларида ходимнинг кўзи одамлар орасида ўтирган болага тушади ва раҳми келганидан уни йўлда тушириб қолдиради. Маҳкумларни тўғри Беговот чўлига олиб борганида бошлиқ санаб кўрса, режадан бир одам кам. “Режани барбод қилган” ходим бошқаларга қўшиб отиб ташланган.

Урганч шаҳри чеккарофида ўша йиллари НКВД ходимлари учун дам олиш маскани қуришган. Кейинчалик бу ер “Ижроқўм боғи” номи билан танилди. Ўша даврда дам олиш масканида қоровул бўлиб ишлаган Самандар ака умри поёнида бир умр кўксини эзиб келган воқеани фарзандларига сўзлаб берган: “Икки кунда бир тунда қоровуллик қилганман. Кўпинча НКВД ходимлари тунда суюқоёқ аёлларни олиб келиб, тонггача маишат қиларди. Майли, гуноҳлари ўз бўйнига. Аммо, тирик кўмилганлар устида маишат қилишганини Худо кечирармикан?.. Бир куни тун оққанда икки юк машинасида келиб қолишди. Дарвозани очиб, уларни ичкарига ўтказиб юбордим. Бир ярим соатлардан сўнг машиналар қайтиб кетишди. Эътибор берганим, машиналардан бириси йўловчиларсиз қайтиб чиқди. Кириб кетганлар ичкарида нималар қиляпти, эртага бирор кор-ҳол бўлса қамалиб кетмай, деб дарвозани бекитгач, боғ тўри томонга бордим. Ҳамма ёқ тинч, одам қораси кўринмайди. Ҳайрон бўлиб орқага қайтаётганимда ер тагиданми, боғ ичиданми, қандайдир овоз эшитилгандек бўлди. Бирортаси маст бўлиб қолиб кетибдими, деб дарахтлар томон бораётиб, ногоҳ оёғим янги қазилган тупроққа ботиб кетди. Кундузи ҳам бу ерда ўт-ўлан ўсиб ётарди. Ким, нима учун қазди экан, деб аниқлаш учун ерга эгилганимни биламан... ер остидан одам товуши келди. У бўғиқ товушда инграрди. Орқамга қарамай қочдим. Тонгда қўрқа-писа бориб қарасам, уч кигиз ўрнидек жой ковланган ва қайта кўмилган. Тунда олиб келинган маҳбусларни тирик кўмиб кетишибди... Бу ерда қадам босишга қўрқиб қолдим, касаллигимни баҳона қилиб, қоровулчиликдан бўшадим. Бўшаётган вақтда мендан: “Ҳеч қачон ҳеч нима кўрмадим”, мазмунида тилхат олишди”.

Беговот Урганч шаҳридан ўн чақиримлар масофадаги кимсасиз чўл бўлиб, қатағон даврида аксар маҳкумлар шу ерда тунда ўққа учган. Ҳукм ижроси учун масъул гуруҳ омонат қурилган чайлаларда яшаган. Чўлда қуён кўп бўлгани учун овга қизиққан ходимлар бешотар ўқларини қуён отишга сарфлаган ва кечқурун отишга олиб келинган маҳкумларни қилич билан қатл қилган. Чунки ўқлар ҳар бир маҳкумни отишга бир донадан санаб берилган. Ходим ҳаяжондан мўлжалда адашса, ҳайфсан олган, ўқ пули ойлигидан чегириб қолинган. Архивда ўша жараёнда ижрочи гуруҳ таркибида бўлган НКВД ходимлари ёзган “Тушунтириш хат”лари сақланади. Ўқни қуён отишга сарфлаган ходим ўзини шундай оқлаган: “Баъзида йигирма кишилик гуруҳимиз учун озиқ-овқат келиши кечикарди. Икки-уч кунлаб овқатимиз учун гўшт беришмасди. Шунда бизлар қумликдан қуён отиб ейишга мажбур бўлганмиз”. Бу қотиллар гуруҳи аъзосининг “тавбаси” – у одам отгани учун эмас, қуён отгани учун кечирим сўраяпти.

Ана шундай “Тушунтириш хат”лари орасида бир даҳшатли иқрорга кўзим тушди. НКВД ходими ёзади: “Бизлар кундузи ўқларни қуён отишга сарфлагач, олиб келинган маҳкумларни қатор тизиб қўйиб, бошларини қилич билан узардик. Бир-биримиз билан “ким бир зарбада маҳбуснинг бошини узиш ва у қанча масофага учиб кетиши” бўйича мусобақа ўйнардик. Ҳайрон қолардик, қилични бир серпаганда узилган бош токи ерга тушганича нимадир деб гапириб боради...”

Тўхтадик. Бу ёғини ёзишга асабимиз чидамайди...

Голливудда маълум бир томошабин қатлами учун “ваҳшат” кинолари ишлашади. Бу киноларни ёлғиз кўришга қўрқади одам. Мабодо, мажбуран томоша қилсангиз ҳам, воқеалар ривожи қай йўсинга бурилишини кузатиб, танангиз музлаб ўтирасиз. Қатағон замони ваҳшати мазмунан шунга ўхшаб кетади. “Қама-қама”, “от-от”лар авжига чиққан замонда бечоралар тунлари чала ўлик ҳолида ухлашган. Томда икки мушук қувлашгани саси юракларини ёриб юборган. Ярим тунда ногоҳ эшик тақиллашидан кўпларнинг жони ўрнидан турмасидан чиқиб кетган...

Бу ваҳшат саҳнасини нега эсга олдик? Киночиларимиз нега қатағон даври даҳшатлари тўла акс этган бирорта “ваҳшатфильм” ишлашмади? Шундай кинолар керакми, дерсиз? Қонли ўтмишни унутмаслик, бу ваҳшатлар такрорланмаслиги учун керакдир балки? Шундагина ҳалиҳамон “гугурт бир тийин эди, Сталин энг адолатли ҳукмдор бўлган”, қабилида давраларда гап сотиб ўтирадиган манқуртларнинг тили бойланар? Бугунимиз ва эртанги кунимиз ўз-ўзидан келмагани, келмаслиги, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз пойдевори минг-минглаб шаҳидларнинг пажмурда танлари узра барпо этилгани, ваҳшат синиқлари устида яшаётганимизни эслармиз ҳеч бўлмаса!

Рўзимбой ҲАСАН

ТАБДИЛ

Фитрат ва танқид

XX асрнинг 20-йилларида ёзилган адабий танқидий мақолаларнинг кўпчилиги саҳна асарлари ва уларни саҳнага қўйиш жараёнлари билан боғлиқ. Шунга кўра, замонавий ўзбек адабий танқидчилиги янги асарларга тақриз мақолалар баробарида драмаларни тарғиб этиш ва уларнинг саҳна талқинларига муносабат билдириш йўсинида шаклланди, адабий танқид билан театр санъати танқидчилиги баравар қадам ташлади, дейиш мумкин. Бу давр матбуотида Фитрат ижодига жиддий эътибор берилди. Мен Фитрат тириклигида ёзилган шу манбаларни жамлаб, “Фитрат ва танқид” номли табдил рисола ҳозирладим. Қуйида шу китобчадан олинган “Ишчи”нинг кичик мақоласини ҳурматли “Jadid” ўқувчиларига тақдим этаман.

Баҳодир КАРИМ

ҲИНД ИХТИЛОЛЧИЛАРИ

Марказий ишчилар клуби қошидаги театру тўгараги томонидан ҳайитнинг биринчи куни (1924 йил 6 майда) шоир Фитратнинг 5 пардалик “Ҳинд ихтилолчилари” асари ўйналди.

Асар исмидан маълумдирки, бундаги кўринишлар Ҳиндистон ўзгаришчиларининг Англия зулмига қарши ва Ҳиндистонни мустамлака ҳолидан чиқариб мустақил Ҳиндистон ясаш йўлида жонбозлик кўрсатишларини тасвир этадир. Лекин бизнинг театрчиликдаги ихтисослигимиз орқасида букун ўйналғон ҳинд ихтилолчилари унга тўлиқ чиқмаса-да “Колизей” саҳнасининг бойлиғи ва неча йилдан берили саҳна атрофидан қочқон бир неча муқтадир артистларимизнинг қайтадан саҳнамизга иштирок эта бошлоғонлари бугунги ўйуннинг кўб камчиликларини ёпиб кетди.

Асари устида матбуотда танқид ҳам тақриз босилиб ўткани учун бу ерда саҳна тузилиши кастюм, гирим ва артистларнинг саҳна ҳаракатлари устида ёзиш билан кифояланамиз:



Раҳимбахш – ҳиндли, ўқумишли бир йигит рўлида ўртоқ Босит Қориев, Дилнавоз рўлида Маъсума хонимлар ўз устларидаги масъулиятлик рўлларини адо қила олдилар.

Раҳимбахш Дилнавозга тўлқинли муҳаббатни жонлантириб кўрсата олмаса-да, унинг овози ва ҳаракатида усталиги орқасида зарарсизгина бўлуб чиқди. Маъсума хоним ватанчи бир ҳинд қизи бўлуб ўйнай олди десак мумкин. Бироқ Маъсума хонимдаги рўлни ёдламаслиқ иллати ҳар вақт кўб қусур бўлуб тушадир. Айниқса, “Колизей” каби муҳаббатли бир саҳна рўлини ёд бўлиши устига товушни ҳам баландроқ чиқаришини талаб этадир. Агар Маъсума хоним бу икки жузъи камчиликни кеса олса, саҳна ҳаракатида унга ирод эткизишга йўл қолмайдир.

Лолаҳардаёл – мажусий ҳинди (дарвеши) рўлида Сайфи Қори; бу рўл кичкина кўринса-да ғоят муҳимдир. Бу рўлнинг Сайфи Қориға берилиши жуда муносиб бўлиб тушкан. Сайфи Қори овози ва ҳаракат жиҳатидан ўзбек саҳнасининг бир санъаткоридир. Бироқ бу ўртоққа қиладурғон бир холисона бир тавсиямиз бор. Ўртоғимизда бошқа артистлар билан мувофақат қилиш йўқ. Бир оз “ман-ман”лик бор. Унинг газетга ёзилишга алоқаси бўлмаса ҳам бу ҳолнинг кўб вақт театру ишларига зарба бериб келганини билганимиз учун мумкин қадар бу касалдан шифо топиш йўлларини излашини самимий суратда тавсия этамиз.

Ўкунар – Лоҳур шаҳарининг пўлис бошлиғи (инглиз) рўли иқтидорига қараб Фатҳуллага берилган. Фатҳулла бу рўлни зарар келтирмасдан ўйнаб чиқарди. Бу санъаткор кўбдан бери саҳнадан чекланган эди. Бугун қайтадан санъат эшигига қайтиб келиши халқни ортиқ севинтирди.

Мавлоно Нўъмон – ҳинд Авғонистон чегарасидаги Бунир қўрғонининг бошлиғи бўлган бир мулла рўлида Музаффар. Бу руҳонийларға махсус бўлган мунофиқликни жонлантириб кўрсата олса-да, овозини секин чиқариб Фитратнинг ҳикматлик жумлаларини халққа талқин эта олмайди.

Марлинг – инглиз жосуси рўлида ўртоқ Аброр. Аброр жосуслик, алдамчилик ва шайтон рўлларида ўзининг саҳнасига нисбатан бир неча бор яхши ўйнади.

Бошқа артистлар ҳам зарарсиз ўйнадилар.

Саҳна тузилиши, гирим жиҳатидан жуда зўр камчиликлар, янглишликлар бўлди. Бу касал албатта бизнинг Ҳиндистон ва ҳиндликларни яхши танимоғонимиздан келиб чиққандир. Шояд яна бир ўйналғонда бу камчилик ҳар томондан текширилиб тўлғизилар.

Саҳнамизда қайта бошидан кўрина бошлаған Фатҳулла, Музаффар, Ўтабларнинг қўлларини самимий бир суратда сиқиб қайтадан ўзбек саҳнасига қадам босишлари билан қутлаймиз.

ИШЧИ

“Туркистон”, № 266.
1924 йил 12 май

ЯНГИ КИТОБЛАР

УЮШМА ТУҲФАЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида яна бир туркум китоблар ўқувчиларга туҳфа этилди.

“Қатра эдим – дарё бўлдим” номли китоб жамиятимизда ўзининг ижтимоий фаоллиги билан ҳам кенг танилган ижодкор, “Дўстлик” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари совриндори Омонуллоҳ Мутал қаламига мансуб. Тўпламдан муаллифнинг сара шеър ва фахриялари билан бир қаторда, “Биз сув ичган булоқлар”, “Бирни кўриб фикр қил”, “Дунё – дарсхона”, “Қатра эдим – дарё бўлдим”, “Армон”, “Эзгулик эскирмас” номли ҳаётий лавҳа ва хотиралари ҳам ўрин олган.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли иқтисодчи ва жамоат арбоби, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби, Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раиси Раҳматилла Жаббаровнинг ҳужжатли қиссаси “Ҳаёт йўлим” деб номланади. Китобда туғилган гўшага меҳр, элпарварлик туйғулари ёрқин акс этади, босиб ўтилган ҳаёт йўли ва ундан чиқарилган теран хулосалар қизиқарли тилда баён этилади. Мамлакатимизда юритилаётган бағрикенглик сиёсати, жамиятимизда турли миллат вакиллари учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар самимий эътироф этилади.



“Уйғон, ўғлим” номли салмоқли тўплам фақат шеърлардан иборат. Ботиржон Эргашев шеърларининг мавзу доираси ранг-баранг. Шеърларнинг “Аввал Ватан”, “Сизга фарзандлигим бахтдир минг чандон”, “Ўзинг ўзгармасанг, олам ўзгармас”, “Сочларингнинг бир толаси...”, “Мендан кейин...”, “Оламнинг тинчини бузманг, одамлар!”, “Сенга муҳтожман”, “Муҳаррир ҳаёт” дея туркумланиши ҳам шундан далолат беради. Китобга филология фанлари доктори, адабиётшунос Сувон Мели сўзбоши ёзган.



“Adabiyot” ва “Sahhof” нашриётлари томонидан чиройли дизайнда тақдим этилган янги китоблар ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Нигина ИСКАНДАРОВА

ТАКЛИФ

9 ЭМАС, 7 ОЙ БЎЛСА...

Маълумки, Ўзбекистон олий таълим муассасаларида бир ўқув йили 9 ой давом этади. Совет давридаги тартиб шу кунгача келмоқда. Жаҳон таълим тизимида бу масала бозор иқтисодидан келиб чиққан ҳолда анча ихчамлаштирилган. Масалан, Европада янги ўқув йили 1 октябрдан бошланиб, 30 апрелда тугайди. Бунда талабаларнинг мустақил ўқиши, ишлаб чиқаришда қатнашиши, ўқиш учун шартнома маблағларини топишга имконият яратиш ва бошқа ижтимоий омиллар асос қилиб олинган. Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасалари фаолиятида тўлов-шартнома тизими қонуний тус олган бўлишига қарамай, 9 ойлик тартиб ўзаришсиз қолмоқда.

Кейинги йиллардаги ижтимоий сўровлар ва ҳаётий тажрибалар бу масалада жиддий ўзгариш қилиш лозимлигини тақозо қиляпти. Бу шаклий янгиланиш таълим сифатини кўтаради, ёшларнинг муаммоларсиз таълим олиши ва иш топишига, ҳамкорлик асосида ёки ихтиёрий равишда хорижда таълим олишига шароит яратади.

Туркистон мадрасалари таълим тизимида ҳам бу амалиётга яқин ҳолат бўлганини биламиз. 1894 йили “Туркистон вилояти газети”да босилган “Туркистон вилоятидаги сартия мадрасаларида катта мударрисларга берилган дастуриламал хусусида” номли мақолада мадрасаларда ноябрь, декабрь, январь, февраль ойларида ўқишлар ташкил этилгани айтилган. Бундан маълум бўладики, ўша замонларда мадрасаларда қиш фаслида ўқилган. Талабалар бошқа вақтда, масалан, баҳор бошланиши билан деҳқончилик, чорвачилик ва савдосотиқ билан машғул бўлган ёки саёҳат қилиб, тоғу боғларда дам олган. “Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз” деган мақолга амал қилиб, усталарга шогирд тушиб, турли касбларни эгаллаб, тирикчилик қилганлар ҳам кўп бўлган. Биз бу билан ўқув йили 4 ой бўлсин, демоқчи эмасмиз. Аксинча, ўтмишда ҳаётий, амалий-зарурий ишлар ҳар доим назарий таълимдан устун қўйиб келинганини таъкидламоқчимиз.

Бизда ҳам хориждагидек интенсив таълим амалиётига ўтилиб, 7 ойлик ўқув йили жорий қилинса, ўқишлар 1 октябрдан бошланиб, 30 апрелда тугаса, май-июнь ойлари қабул вақти ҳисобланса, деган таклифимиз бор. Талабаликка қабул қилинганлар июль-август-сентябрь ойлари давомида истаган соҳасида келишув асосида вақтинча ишлаб пул топади, янги ўқув йилига молиявий тайёргарлик кўради. 7 ойга етадиган маблағни тўплаб, жиллақурса овқат пули ва ижара пулини йиғиб, ўқишни бошлайди (Эпли талаба шартнома пулининг бир қисмини топиб қўйиши ҳам мумкин).

Ўқитувчилар икки ой меҳнат таътилидан ташқари уч ойда нима билан шуғулланади, деган савол туғилса, айтамизки, улар бу вақтда малака ошириш ва илмий иш билан шуғулланади. Уларнинг иш вақти 9 ойлигича қолади. Ўқув ойларида (7 ой ичида) ҳеч бир ўқитувчи малака оширишга жалб этилмайди. Худди шунингдек, 7 ой ўқиш давомида талабаларнинг амалиётга чиқиши ҳам қисқартирилади.

Бундай ислоҳотнинг амалга оширилиши илмий-техник тараққиётга эришаётган, онлайн, оффлайн ва масофавий таълим жорий этилган бугунги Ўзбекистон шароитида жамиятимизга улкан иқтисодий ва маънавий-руҳий фойда келтиради, деб ўйлаймиз.

Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ,
тарих фанлари доктори

АЛҚИССА

ЗАМОНЛАРАРО САЁҲАТ

Замонлараро саёҳат фақат фантастик роман ё кинода бўлмайди. Буни амалга ошириш учун Америка ёки Япониянинг илм марказларига бориш ҳам шарт эмас. Нима қилмоқ керак? Энг қулай йўли – пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейига бориш. Мен ҳам икки йиллик мукаммал таъмирдан кейин яна халқимиз ва юртимиз меҳмонларига муҳташам эшикларини очган даргоҳга бордим.



Очилиш маросимининг санаси тасодифий танланмаган. Жорий йил 24 июлда музейга Туркистон халқ музейи номи билан асос солинганига 150 йил тўлди. 55 йиллик бинонинг муҳандислик тизимлари, коммуникация, электр тармоқлари, ҳатто трансформаторларгача бутунлай эскириб қолган эди, шу боис, дастлаб бир йилга мўлжалланган таъмир ишлари икки йилга узайтирилган. Бу ҳақда музей директори, тарих фанлари доктори, профессор Жаннат Исмоилова очилиш маросимида йиғилганларга маълум қилган.

Мозийгоҳга қадам қўйишим билан қаршимдан чиққан полотно мени шошириб қўйди. Беихтиёр, ардоқли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг қуйидаги сатрлари ёдимга келди:

Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.
Чор атрофга ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам.

Икки ёнимда эса турли даврларга мансуб устунлар тиклаб қўйилган, улар ёнидан ўтаётиб, “Буюк боболар каби тетик ва шаҳдам, виқор билан юрибманми?” деб ўйлаб қолдим. Музей залларида юрар эканман, экспозициялар мени динозаврлар давридан бошлаб, бугунги кунимизгача бўлган узоқ йўлдан олиб ўтди. Юртимиз ҳудуди цивилизациянинг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлган, Ер тарихи давомида шунчалик кўп салтанатни, шунчалик кўп ўзгаришни бошидан кечирган эканки, буни бир неча соатлик саёҳат давомида ҳис қилиш одамни шошириб қўяр экан. Ҳар бир залда мен ўзимни худди замонлар аро саёҳатчидек ҳис қилдим, гўё ҳар бир давр хонаси бир бекат, мен эса бу бекатларни бирма-бир босиб ўтаётган йўловчидек эдим. У ерда мактаб дарсликларида кўрганим – харита, қурол-аслаҳа, турли хил кулолчилик намуналарини томоша қилиб, завқ олдим. Бу ҳиссиётни на фантастик асарлар, на АйТи визуализацияси бера олади.

Маълум қилинишича, музей жамғармасида 350 мингдан ортиқ экспонат сақланади. Улар орасида 70 мингдан зиёд археологик топилмалар, 100 мингдан ортиқ нумизматика намуналари, қадимий қўлёзмалар ва этнографик материаллар бор. Янги экспозицияда ўзбек давлатчилигининг шаклланиш тарихи, халқнинг бой анъаналари ва маданияти янада жонли, таъсирчан гавдалантирилган.


Саёҳатим давомида мени энг кўп ҳайратлантирган, тўхталишларга сабаб бўлган заллардан бири Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган ҳудуд бўлди. Кейин мени Мирзо Улуғбек ишларига бағишланган бўлим кутиб олди. Бу ерда унинг юлдузли осмон тадқиқотлари, Самарқанддаги расадхонаси ва аниқ астрономик ҳисоб-китоблари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар қаторида, ташриф буюрувчилар бевосита қўллари билан синаб кўришлари мумкин бўлган қизиқарли интерактив қурилма ҳам бор эди. Бу доиравий, календар ҳисоблагичга ўхшаш асбоб бўлиб, унда йиллар 2020 дан 2070 гача, ойлар ва кунлар айлана шаклида жойлаштирилган, ташрифчи тешикларга ишора қилиб, исталган сананинг ҳафта кунини аниқлаши мумкин эди. Бу қурилмани томоша қила туриб, беш аср аввал, телескоп ва компьютер бўлмаган бир даврда, фақат ақл ва сабр-тоқат билан осмон жисмларининг ҳаракатини бунчалик аниқликда ҳисоблаб чиққан бобомизнинг даҳосига яна бир бор тан бердим.

Афсуски, вақтим чегаралангани боис, музейда узоқ қололмадим. Қачон биз ҳам чет элликларга ўхшаб соатлаб музейни томоша қилиш кўникмасига эга бўлар эканмиз-а? Ташқарига чиқсам, хорижлик сайёҳлар ўзбеклигимни кўриб, суратга тушишга таклиф қилишди. Ажабмас, халқаро сайтларда суратларим чиқиб қолса.

Музейни тарк этар эканман, ўтмишни билиш шунчаки қизиқиш эмас, балки келажакни қуришнинг зарурий шартидир, деган ҳақиқатни тушуниб етдим. Ўзбекистон тарихи давлат музейи нафақат ўтмишни сақловчи хазина, балки ҳар бир ташриф буюрувчини ўз даври, ўз масъулияти ҳақида ўйлашга ундовчи кўзгу ҳам экан. Тарих бу фақат китобларда ўқиладиган сана ва воқеалар рўйхати эмас, балки ҳар биримиз ҳар куни ёзиб бораётган, ҳали якунланмаган бир ҳикоя деб ўйладим. Мен ҳам келажак авлодга муносиб ўрнак қолдириш орзу-ўйлари билан дорилфунуним томон одимладим.

Ҳусниддин МУҲАММАДМУРОД,
ЎзЖОКУ 3-босқич талабаси

ТАРБИЯ



ИНЖИҚЛИКМИ, ЭҲТИЁЖ?

Бугун аксарият ота-оналар фарзандларининг инжиқ, ўжар, итоатсиз, тажовузкор ва ҳиссий норозилигидан шикоят қилади. Аммо бола буларни атайлаб қилмайди. Гўдакдаги ҳар бир ҳиссий ва хулқий ўзгаришларнинг сабаби бор. Муаммонинг асл илдизини тушуниш ота-онанинг фарзанди билан янада меҳр, ҳурмат ва хотиржамлик билан муносабатда бўлишига ёрдам беради.

Беш-етти ёш даврда кузатиладиган инжиқликларнинг муҳим сабабларидан бири – ота-онанинг бола ёшига мос келмайдиган талаблар қўйишидир. Баъзан ота-оналар боланинг жисмоний, ақлий ва ҳиссий ривожланиш даражасини ҳисобга олмаган ҳолда, ундан катталардек масъулиятли, сабрли ва ҳар доим тўғри қарор қабул қилишни кутади. Бундай юқори талаблар эса болада ҳиссий зўриқиш ва инжиқликларни келтириб чиқариши мумкин.

Бу даврда бола ҳаётидаги яна бир катта ўзгариш – мактабга қадам қўйишдир. Янги муҳит, янги қоидалар, ўқитувчи билан муносабат, дарс тайёрлаш, тартиб-интизомга риоя қилиш ва тенгдошлари орасида ўз ўрнини топишга интилиш боланинг руҳий юкини сезиларли даражада оширади. Шу сабабли, мактабнинг илк йилларида боланинг баъзан тез жаҳли чиқиши, йиғлоқи бўлиб қолиши ёки инжиқлиги кучайиши табиий ҳол ҳисобланади.

Беш-етти ёшга келиб бола ўзини бошқалар билан кўпроқ таққослай бошлайди. У синфдошларининг билимига, кийими, ўйинчоқлари ёки ўқитувчининг уларга бўлган муносабатига эътибор беради. Энди у нафақат ота-онаси, балки тенгдошларининг ҳам фикрини қадрлай бошлайди. Шу боис, мактабдаги муваффақиятсизлик ёки дўстлари билан келиша олмаслик ҳам боланинг ҳиссий ҳолатига таъсир қилиши мумкин. Оилада бир нечта фарзанд бўлса, ота-онанинг уларга нисбатан адолатсиз муносабати ҳам инжиқликларга сабаб бўлади. Масалан, “Сен каттасан, укангга ён бер”, “Сен қиз боласан, укангга ёрдам бер” каби иборалар тез-тез такрорланса, катта фарзанд ўзини тушунилмаётгандек ҳис қилади.

Албатта, оилада вазифалар бўлиши табиий, бироқ улар боланинг ёши ва имкониятларига мос бўлиши, барча фарзандларга нисбатан адолат сақланиши муҳим. Бу даврда яна бир ўзгариш юз беради. Бола аста-секин ота-онасининг ҳам хато қилиши мумкинлигини англай бошлайди. Аввалларида уларни энг кучли ва ҳамма нарсани биладиган инсон деб тасаввур қилган бўлса, энди уларнинг ҳам камчиликлари борлигини сезади. Ота-онанинг хатти-ҳаракати ва айтган сўзлари бу даврда боланинг тарбиясига янада кучлироқ таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу пайтда ота-онанинг асосий вазифаси боланинг ҳис-туйғуларини тинглаш, унинг ёшига мос талаблар қўйиш, муваффақиятини бошқалар билан эмас, ўзининг кечаги натижалари билан солиштириш ва оилада адолатли муносабатни сақлашдир. Айни ёндашув боланинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва инжиқлиги камайишига ёрдам беради.

Ўсмирлик даври бола ҳаётидаги энг мураккаб ва муҳим ривожланиш босқичларидан биридир. Кўпчилик ота-оналар айнан шу даврда: “Фарзандим бутунлай ўзгариб қолди”, “Гапимни эшитмай қўйди”, “Жуда қайсар бўлиб қолди”, дея хавотирга тушади. Кўпинча бу хатти-ҳаракатлар тарбиянинг бузилганидан эмас, балки ўсмирнинг табиий ривожланиш жараёнидан далолат беради. Бу даврда фарзандларимизнинг олдида энг муҳим вазифа туради – “Мен кимман?” деган саволга жавоб топиш. Энди у ўзини ота-онасининг бир қисми эмас, балки алоҳида шахс сифатида англай бошлайди. Ўз фикри, қараши ва танловига эга бўлишни истайди. Аввалгига қараганда кўпроқ баҳслашиши, қаршилик кўрсатиши ёки мустақил қарор қабул қилишга интилиши табиий ҳол ҳисобланади.

Ўсмирнинг мияси ҳам жадал ривожланишда давом этади. Ҳис-туйғуларни бошқарувчи мия қисмлари бу даврда жуда фаол ишлайди. Бироқ режалаштириш, оқибатни олдиндан баҳолаш, сабр қилиш ва импульсларни назорат қилиш учун масъул бўлган олд мия пўстлоғи ҳали тўлиқ етилмаган бўлади. Шу сабабли, ўсмир баъзан ҳиссиётга берилиб қарор қабул қилиши, кейин эса қилган ишидан афсусланиши мумкин.

Бундан ташқари, балоғат даврида организмда кечадиган гормонал ўзгаришлар ҳам унинг ҳиссий ҳолатига таъсир қилади. Кайфиятнинг тез ўзгариши, таъсирчанлик ёки баъзан жиззакилик ҳолатлари кўпинча шу жараённинг бир қисми ҳисобланади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бу даврда тенгдошларининг фикри ўсмир учун жуда катта аҳамият касб эта бошлайди. У дўстлари томонидан қабул қилинишни, ҳурмат топишни ва ўз ўрнини эгаллашни истайди. Ота-оналар баъзан: “Дўстининг гапини эшитади, менинг гапимни эса йўқ”, деб ўйлашлари мумкин. Бу ҳам ривожланишнинг табиий босқичларидан биридир.

Ўсмирлик даврида ота-онанинг муносабати муҳим аҳамиятга эга. Ҳаддан ташқари назорат, доимий танқид, бошқа болалар билан солиштириш ёки унинг фикрини менсимаслик қаршиликни янада кучайтириши мумкин. Чунки бу ёшда ўсмир ҳурмат қозониш ва унга ишонишларини хоҳлайди. Бу, албатта, барча истакларини бажариш керак, дегани эмас. Ўсмирга ҳам аниқ ва изчил чегаралар зарур. Бироқ бу чегаралар қўрқитиш, бақириш ёки таҳдид орқали эмас, балки ҳурмат, мулоқот ва ўзаро ишонч асосида қўйилганда самарали бўлади. Ота-онанинг вазифаси назорат қилиш эмас, балки аста-секин йўл кўрсатиш ва мустақилликка тайёрлашдир.

Шуни унутмаслик керакки, ўсмирликдаги қайсарлик кўпинча ота-онага қарши туриш эмас, балки ўз шахсини топишга бўлган ички эҳтиёжнинг ифодасидир. Бу даврни сабр, меҳр ва тўғри мулоқот билан енгиб ўтган оилаларда ўсмир ва ота-она ўртасида ишончли муносабат янада мустаҳкамланади.

Муслима ТЎЛҚИНБОЕВА

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 474
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 897
Лотин ёзувида – 11 577
Медиа кузатувчилар – 91 497
Буюртма: Г – 839
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Масъул котиб: Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй
Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 19:30

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ